

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Аллаберганова Фазилат

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ШАРТ ВА
НАТИЖА МУНОСАБАТЛАРИНИ ИФОДАЛАШ
ВОСИТАЛАРИ**

**5A220102 – ЛИНГВИСТИКА (ИНГЛИЗ ТИЛИ)
МАГИСТР АКАДЕМИК ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН**

ДИССЕРТАЦИЯ

**ИЛМИЙ РАХБАР
проф.Ў.Қ.ЮСУПОВ**

URGANCH – 2010

Мундарижа

Кириш..... 3.

Биринчи боб. Шарт-натижа муносабати синтактик муносабатларининг муҳим тури сифатида8

1.1. Тилшуносликда синтактик алоқа ва синтактик муносабат назариялари 8

1.2. Синтактик алоқа назарияси..... 9

1.3. Синтактик муносабат назарияси 24

Биринчи боб бўйича хулосалар..... 31

Иккинчи боб. Инглиз ва ўзбек тилларида шарт-натижа батларини ифодалаш воситалари..... 33

2.1. Шарт-натижа муносабатини ифодаловчи содда гаплар..... 33

2.2. Шарт-натижа муносабатини ифодаловчи эргашган қўшма гаплар..... 34

2.2.1. Шарт эргаш гапли қўшма гаплар..... 45

2.2.2. Эга эргаш гапли қўшма гаплар..... 52

2.2.3. Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар..... 54

2.2.4. Ўрин эргаш гапли қўшма гаплар..... 55

2.2.5. Аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар..... 56

2.2.6. Пайт эргаш гапли қўшма гаплар..... 57

2.2.7. Пропорционал эргаш гапли қўшма гаплар..... 57

2.2.8. Қиёс эргаш гапли қўшма гаплар..... 59

Иккинчи боб бўйича хулосалар..... 59

**Учинчи боб. Шарт-натижа муносабатларини синтактик
майдони**

3.1. Шарт-натижа муносабатини ифодаловчи боғланган кўшма гаплар	61
3.2. Шарт-натижа муносабатини ифодаловчи мураккаб синтактик бирликлар (сложное синтаксическое целое)	61
3.3. Шарт-натижа муносабатларини синтактик майдони	63
Хулоса	72
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	75

Кириш

Маълумки, Ўзбекистонимизнинг мустақил давлатга айланиши натижасида ватанимиз дунёга юз тутди. Хорижий мамлакатлар билан савдо, иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар йўлга қўйилди. Дипломатик алоқалар ҳам ўрнатилди, БМТ аъзоси бўлдик, қадриятларимиз тикланди ва тикланмоқда, жаҳон интеграцияси жараёнларида фаол қатнашяпмиз. Бунинг натижасида юртимизда хорижий тилларга бўлган қизиқиш мислсиз ошди.

Шу муносабат билан президентимиз И. А. Каримов бундай дейди: "Сегодня для нашей страны, стремящейся занять достойное место в мировом сообществе, трудно переоценить значение совершенного знания иностранных языков нашими людьми, ведь народ наш видит своё великое будущее в согласии, сотрудничестве с иностранными партнерами" (Каримов 1998, 8-9). Шу сабабдан бугунги кунда мамлакатимиз учун малакали кадрлар, шу жумладан малакали таржимонлар, малакали чет тили ўқитувчилари ҳаводек зарур бўлиб қолди. Шунинг учун мактаб, лицей, колледж ва олий ўқув юртлари учун янги дастурлар, дарсликлар, услубий қўлланмалар яратилди ва яратилмоқда. Айрим олий ўқув юртларида таржимонлик факультетлари очилди, тил ўрганиш марказлари барпо этилди. Буларнинг ҳаммаси қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида олиб борилмоқда.

Дунёдаги воқеалар, нарсалар ўртасидаги шарт - натижа муносабатларини билиш, фикрларни асослаш инсоннинг кундалик ҳаётида ва илмий изланишида учрайдиган энг муҳим жараёнлардан биридир. Шу жиҳатдан қараганда, тилдаги шарт - натижа муносабатларини ифодалаш воситаларини аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш тилшунослик учун жуда аҳамиятлидир.

Мавзунинг долзарблиги бир томондан хорижий тилларга қизиқишнинг ўсиши бўлса, иккинчи томондан инглиз тилидаги шарт -

натижа муносабатини ифодаловчи барча воситаларни аниқлашга ва уларни ўрганишга, умумлаштиришга бағишланган алоҳида илмий ишнинг йўқлигидадир.

Масаланинг қисқача ўрганилиш тарихи, ҳозирги ҳолати ва камчиликлари.

Биз инглиз тилида шарт - натижа муносабатини ифодаловчи воситаларнинг сони жуда кўп эканлигини аниқладик, аммо уларнинг ўрганилиш тарихига келсак, дастлабки инглиз тили грамматикаларида уларнинг фақат биттаси ҳақида яъни, шарт эргаш гапли қўшма гап ҳақида маълумот берилган.

Ўтган асрнинг 50инчи йилларига келиб шарт эргаш гапли қўшма гап ва шарт эргаш гапни бош гапга бириктирувчи боғловчилар илмий ўрганилган. Бу илмий ишлар Крылова И.П. «Сложноподчинённое предложение с придаточным условиям в современном английском языке» (М. 1956), Ў. Қ. Юсуповнинг «Сравнительный анализ английских - узбекских сложноподчинённых предложений с придаточными условиями» (Т. 2006) мавзусидаги номзодлик диссертацияларидир.

И.П.Крылова ўзининг ишида шарт-натижа эргаш гапли қўшма гапларнинг турлари, бош ва эргаш гапларда замон формаларининг ишлатилиши, бош ва эргаш гапларнинг бир-бирига нисбатан жойлашиши, шарт эргаш гапли қўшма гапнинг бошқа турдаги эргаш гапга маъно жиҳатдан яқинлашишини кўрган. Ў. Қ. Юсупов эса шарт эргаш гапли қўшма гапларни инглиз ва ўзбек тилида қиёслади.

Бу икки диссертация ёзилган пайтда матн назарияси, майдон назарияси ва функционал грамматика назариялари ҳали пайдо бўлмаганлиги учун, муаллифлар шарт эргаш гапли қўшма гапларни матнга боғлиқ ҳолда ўрганмаганлар.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бугунги кунда деярли барча инглиз тили назарий ва амалий грамматикаларида шарт эргаш гапли қўшма гаплар

ўқитиш объекти сифатида берилган ва гапнинг бу тури бўйича жуда оз бўлсада умумий лингвистик маълумотлар берилган. (Қаранг: Ilysh 1971, 292-293; Khaimovich, Rogovskaya 1967, 288-289; Blokh 1983,327; Quirk et al. 1982, 286; Murphy 1995,1994,206-207; 230-231; Kobrina 1965, 176-177; Бархударов, Штеллинг 1973, 405-406; Kaushanskaya et al. 1963, 292; Azar 1989, 337; Close 1979, 63-64)

Шарт – натижа муносабати шарт эргаш гапли кўшма гаплардан ташқари бошқалар билан ифодаланадиги, улар ҳали ўрганилмаган.

Демак, инглиз тилидаги кўпчилик шарт - натижа ифодаловчи воситаларнинг аниқланмаганлиги ва ўрганилмаганлиги, ва ўрганилганлари эса матн нуқтаи назаридан қаралмаганлиги бу воситаларнинг ҳаммасини ҳозирги замон тилшунослик назариялари асосида комплекс ҳолда тадқиқот қилишни тақозо қилади.

Тадқиқот объекти инглиз тилидаги лексик, грамматик ва матн бирликлари.

Тадқиқот предмети инглиз тилидаги шарт майдонини ҳосил қилувчи лексик, грамматик ва матн бирликлари.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари:

1) тилшуносликда синтактик алоқа ва синтактик муносабатлар назариясини таҳлил қилиш;

2) тилшуносликда синтактик синкретизм масаласини ечиш муҳим вазифа эканлигини кўрсатиш;

3) инглиз тилида шарт-натижа муносабатини ифодаловчи барча воситаларни аниқлаш ва уларнинг структураси, маъноси ва ишлатилишини аниқлаш;

4) шарт-натижа муносабатини ифодаловчи воситаларнинг матн ҳосил қилиш хусусиятини аниқлаш;

5) шарт-натижа муносабатини ифодаловчи воситалар шарт-натижа майдонини ҳосил қилишини асослаб бериш;

6) шарт-натижа майдонининг таркибини тасвирлаш;

7) шарт-натижа майдонини ҳосил қилувчи компонентлар ўртасидаги синонимик муносабатларни очиб бериш.

Илмий тадқиқот натижаларини "Назарий грамматика", "Лексикология", "Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий типологияси" курсларини ўқишда ва "Инглиз тили амалий грамматикаси" дарсларида қўллаш мумкин.

Илмий ишнинг йуналиши. Тилга майдоний ёндашув.

Тадқиқотнинг методологик асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси президенти И. А. Каримовнинг асарлари, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисидаги", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ҳақидаги қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлари олинди. Хорижий машҳур тилшунослар Н.Д. Арутюнова, Л.С.Бархударов, А. В. Бондарко, И. И. Мешчанинов, О. Есперсон, И. Р. Гальперин, Е.В.Гулыга, Е.И. Шендельс, В. Г. Гак, О. И. Москальская, Н. И. Филичева, Н. Ю. Шведова, М.И.Черемисина, Т. П. Ломтев ва бошқаларнинг асарлари лингвистик методологик асос сифатида фойдаланилди.

Юртимиз тилшунос олимлари Ж.Бўронов, М.И.Расулова, Ў.Қ. Юсуповларнинг илмий ишлари ҳам диссертациямизни ёзишда муҳим рол ўйнади.

Тадқиқот методлари сифатида трансформацион, қиёсий, дистрибутив, маънони қисмларга бўлиш (компонентный анализ), бевосита ташкил қилувчиларга ажратиш, статистик ва тажриба методлардан фойдаланилди.

Тадқиқот учун тил материали сифатида ҳозирги замон инглиз ва америкалик ёзувчиларнинг асарлар матнлари, инглиз ва америка газеталаридаги мақолалар матнлари, иш юритиш ҳужжатлари матнларда берилган айрим мисоллар олинди.

Диссертациянинг боблар бўйича қисқача мазмуни. Диссертация кириш қисми, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи бобда (“Шарт - натижа муносабати синтактик муносабат турларидан бири сифатида”) тилшуносликда анча чалкашликларга сабабчи бўлган "синтактик алоқа" ва "синтактик муносабат" тушунчалари таҳлил қилинади.

Иккинчи бобда ("Инглиз тилида шарт – натижа муносабатини ифодаловчи воситалар") инглиз тилида шарт – натижа муносабатини ифодаловчи барча лексик, грамматик ва матн воситалари аниқланади, уларни ўртасидаги формал, семантик, ишлатилиши бўйича фарқлар кўрсатилади.

Учинчи бобда ("Инглиз тилида шарт-натижа муносабатлар майдони") ҳозирги замон тилшунослигидаги майдон назариялари таҳлил қилинади. Инглиз тилида шарт-натижа муносабатини ифодаловчи барча воситалар биргаликда шарт-натижа майдонини ҳосил қилиши асосланади ва сабаб майдонининг структураси таҳлил қилинади.

Шарт-натижа муносабатини ифодаловчи воситалар синонимияси ҳам ўрганилади.

Хулосада тадқиқотнинг натижалари қисқача баён этилди.

Биринчи боб

Шарт-натижа муносабати синтактик муносабатнинг тури сифатида

1.1. Тилшуносликда синтактик алоқа ва синтактик муносабат назариялари

Маълумки, тил ишоралар системаси бўлиб, у ахборотни шакллантириш учун, ахборотни бирор шахсга етказиш учун, ахборотни сақлаш учун, ахборотни қайта ишлаш учун хизмат қилади. Лингвистик атамалар луғатида тил қуйидагича таърифланади: "Язык является одной из самобытных семиологических систем, являющаяся основным и важнейшим средством общения членов данного человеческого коллектива, для которых эта система оказывается также средством развития мышления, передачи от поколения к поколению культурно-исторических традиций и т.п." (Ахманова 1966, 530).

Тил ёрдамида фикр билан бирга ҳис-ҳаяжон ҳам ифодаланади.

Гап (высказывание) ва матн фикр ифодаловчи коммуникатив бирликлар ҳисобланади. Матн мустақил гапларнинг, мураккаб синтактик бутунликларнинг боғланишидан ташкил топса, гап сўзлар (мустақил сўзлар), сўз бирикмалари, мустақил бўлмаган ёки қисман мустақил бўлган гапларнинг бирикувидан ташкил топади. Сўзларни, сўз бирикмаларни ва гапларни содда ва қўшма гап ичида боғланишида икки хил лингвистик муносабатга эътибор бериш керак бўлади. Уларнинг бири тилшуносликда "синтактик алоқа" (ингл. syntactic bond; рус. синтактическая связь), иккинчиси "синтактик муносабат" (ингл. syntactic relation; рус. синтаксическое отношение) деб аталади. Синтактик алоқа ҳеч қандай маъно билан боғлиқ бўлмай, гапдаги боғланаётган элементларни тобелик-нотобелик нуқтаи назаридан ҳолатини кўрсатади. Синтактик муносабат эса гап ичида бир-бири билан боғланаётган ўша элементлар ўртасидаги маъно жиҳатдан муносабатни акс эттиради.

1.2. Синтактик алоқа назарияси

Тилда синтактик алоқанинг борлигини ҳеч ким инкор қилмайди, аммо унинг турлари хақида турлича фикрлар бор. Масалан, Б.Н.Головин (1977, 188), В.В.Бабайцева. Л.Ю.Максимов (1981,7), Ю.А.Левицкий (1983,48,67), Н.А.Баскаков, А.С.Содиқов, А.А .Абдуазизовлар (1979, 83), А.Ғуломов, М. Асқарова (1961, 12-15), Н. С. Валгина (1978, 38-39), Л. Д. Чесноковаларнинг (1980, 10-89), фикрига кўра синтактик алоқа икки турга бўлинади: тобелик синтактик алоқаси (**подчинительная** синтаксическая связь) ва тенглилик синтактик алоқаси (**сочинительная** синтаксическая связь), қисқача уларни "тобелик алоқаси" ва "тенглилик алоқаси" деб атаса бўлади. Тобелик алоқасида боғланаётган элементларнинг бири ҳоким, иккинчиси тобе бўлади. Инглиз тилшунослигида улар "ядро" (head), "адъюнкт " (adjunct) деб аталадилар. Л.С. Бархударов фикрига кўра, гапда тобени тушириб қолдириш мумкин. Масалан "I saw a tall boy" гапида "tall" ва "boy" сўзлари ўртасида тобелик алоқаси бор: "boy" ҳоким, "tall" тобе. Бу гапда "tall" сўзини тушириб қолдириш мумкин:

I saw a tall boy → I saw a boy. АММО ҲОКИМНИ тушириб

бўлмайди:

I saw a tall boy ↗ I saw a tall

Демак, тобелик алоқаси бўлганда тобени тушириш гап структурасига путр етказмайди, фақат гаптаги ахборот камаяди. Бундай ҳолатни кўпгина эргаш гапли кўшма гаплардаги бош ва эргаш гапларда ҳам кўришимиз мумкин:

When I came he was sleeping → He was sleeping

When I came he was sleeping ↗ When I came

As I was ill I didn't come → I didn't come

As I was ill I didn't come ↗ As I was ill

Номлари юқорида тилга олинган тилшунослар эга билан кесим ўртасидаги синтактик алоқани ҳам тобелик алоқа деб ҳисоблайдилар. Улар бунинг исботи сифатида кесимнинг эга билан мослашуви ходисасини келтирадилар:

I am reading

He is reading

We are reading

Келтирилган ҳамма гапларда кесим эга билан шахс ва сонда мослашган. Биз бу масалани кейинроқ батафсил кўрамиз.

Тенглилик алоқасида (сочинительная связь) боғланаётган сўзлар, сўз бирикмалари, гаплар ўртасида ҳоким-тобелик бўлмай, улар тенг ҳуқуқли бўлади, уларнинг гапдаги вазифалари ҳам бир хил бўлади. Шунинг учун ўртасида тенглик алоқаси бўлган элементларнинг ҳар қайсисини тушириб қолдириш мумкин.

Масалан, I bought books and note-books гапида "books" ва "note-books" сўзлари ўртасида тенглилик алоқаси ётибди. Уларнинг ҳар иккаласи гапда тўлдирувчи (объект) вазифасида келган, шунинг учун уларни исталганини тушириш мумкин.

I bought books and note-books. → I bought books.

I bought books and note-books. → I bought note-books.

Бундай ҳолатни кўпчилик боғланган кўшма гапларда ҳам кўриш мумкин.

I like lagman, and he likes manti. → I like lagman.

I like lagman, and he likes manti. → He likes manti.

Синтактик алоқани тобелик ва тенглилик турларга бўлиш анъанавий фикрдир. Аммо кейинги пайтларда синтактик алоқани 3 хил бўлиши ҳақида фикрлар пайдо бўлди. Масалан. Л. С. Бархударов (1966, 35), М. Т. Ирисқулов (1992, 130-133), А. М. Мухин (1980) синтактик алоқани икки хил эмас, уч хил эканлиги ҳақида гапирдилар ва уларни «тобе эргашиш боғланиш», "тенг боғланиш" ва "предикатив боғланиш" деб

атайдилар. А.М.Мухин учинчи типни "социатив-предикатив" (социотивно - предикативный) деб атайди.


Предикатив боғланиш деганда, улар эга билан кесим ўртасидаги алоқани ва предикатив конструкцияларнинг исмлари ўртасидаги алоқасини тушунадилар. Мисоллар:

1. I am reading.
He is a student.
She is beautiful.
Tom will come.
2. I saw him come
3. It being cold we staved in.
4. He came in hands broken.
5. Lesson over we went home

Биз Л. С. Бархударов ва М.Т. Ирискуловлар фикрига қўшиламыз, аммо шунинг билан бирга, бу уч хил синтактик алоқани қуйидагича номлашни таклиф қиламыз:

- 1) бир томонлама тобе алоқа,
- 2) икки томонлама тобе алоқа,
- 3) тенг алоқа

Агар бу синтактик алоқаларни бинар оппозицияга солсак, у қуйидаги кўринишга эга бўлади:



"Предикатив алоқа" атамасининг ноқулайлиги шундаки, синтактик алоқа ҳеч қандай маъно билан алоқадор эмас, "предикатив алоқа (эргашиш)" атамаси эса уни маъно билан боғлиқ қилиб қўяди, чунки "предикативлик" синтактик маънолардан биридир. (Л.П. Чохоян 1979,9; ГСРЛЯ 1970, 542; Л.Д. Чеснокова 1980, 15)

Тобе алоқада боғланаётган элементларнинг бири ҳоким (ядро), иккинчиси тобе (адъюнкт) бўлади ва тобелик бир томонлама бўлади.

Масалан:

hot tea
└─────────┘

to read a book
└──────────┘

a clever man
└─────────┘

as it was dark we didn't go out
└──────────────────────────┘

to die from poison
└──────────┘

to cause a trouble
└──────────┘

Схемада \longrightarrow чизиғи (ўқёй) тобе элементдан ҳокимга йуналтирилган.

Икки томонлама тобеликда боғланаётган элементларнинг иккалови ҳам бир-бирларига тобе бўлади, яъни уларнинг ҳеч бири ҳоким бўлмай, иккаласи ҳам тобе бўлади.

Масалан:

Nick is a student.
└──────────┘

Bob is sleeping.
└──────────┘

The lesson over we went home.



Mother being ill I didn't go to school.



He came in hands broken.



I don't want him to stay.



Схемада \longleftrightarrow чизиғи боғланган элементларнинг бир-бирларига тобе эканлигини акс эттиради. Икки томонлама тобеликда боғланган элементларнинг ҳеч бирини тушириб бўлмайди:

Lesson over we went home \nrightarrow Lesson we went home.

Lesson over we went home \nrightarrow Over we went home.

Nick is a student. \nrightarrow Nick.

Nick is a student. \nrightarrow Is a student.

He came in hands broke \nrightarrow He came in hands.

He came in hands broken. \rightarrow He came in broken.


Бир томонлама ва икки томонлама тобеликда бевосита боғланаётган элементлар иккита бўлади.

Тенг боғланувчи элементлар икки ва ундан ортиқ бўлиши мумкин:

I bought books and note-books



I bought books, note-books, pens and pencils




Схемадаги \rightrightarrows чизиғи тенглилик алоқасини ифодалайди.


Л.С. Бархударов қайд қилганидек, тенг боғланган элементларнинг исталганини тушириш мумкин.

Қисмлари тенглик алоқасида бўлган қурилмалар симметрик ва носимметрик бўлиши мумкин. Симметрик қурилмаларда тенг боғланган элементларни жойини алмаштириш мумкин, носимметрик қурилмаларда эса


2. We must settle these important problems



We saw a young beautiful girl



They bought two new white cars



Бу тилшуносларнинг айтишича, булар аккумулятив бирикмалар бўлиб, уларнинг қисмлари ўртасидаги синтактик алокани на тенглик алоқаси, на тобелик алоқаси деб бўлади, чунки улар ўртасига ҳеч қандай боғловчи қўйиб бўлмайди.


Бизнингча, нутқда ёнма-ён келган ҳар қандай элементлар ўртасида синтактик алоқани қидириш унчалик тўғри бўлмаса керак, чунки нутқнинг синтагматик (линейний) йўсинда булиши ўзаро бевосита боғланмаган элементларни ҳам бирга ёнма-ён келишини тақозо қилади. Юқоридаги биринчи гуруҳ сифатида берилган мисолларда ҳар хил турдаги тўлдирувчи вазифасида келган сўзлар ўртасида ҳеч қандай бевосита синтактик алоқа йўқ, аммо улар ўртасида кесим орқали бўладиган бавосита алоқа бор. Бевосита синтактик алоқани Л. С. Бархударов қуйидагича таърифлайди: "Непосредственной синтаксической связью называется синтаксическая связь между двумя такими словами или группами слов (или словом и группой слов), которые при членении данного сочетания по НС (непосредственно составляющих - Ж. Эрметова) на определённом уровне членения оказываются непосредственно составляющими одной и той же более крупной составляющей» (Л.С. Бархударов, 1966, 31).

Ҳар хил турдаги аниқловчилар ўртасида ҳам бевосита синтактик алоқа йўқ. Алоқа фақат бавосита, яъни от орқали бўлади.


Шундай қилиб, биз боғланаётган элементлар ўртасида синтактик алоқалар турларини урта, деб қаровчи тилшунослар фикрини ҳақиқатга яқин, деб ҳисоблаймиз ва қуйида уларга мисоллар бериб, уларни бевосита

ташқил қилувчиларга бўлиш методини (НС) орқали талқин қиламиз:


I sold my old car.




I bought book, note-books and pens.




He died from poison.



The man sitting on the bench is my brother



Bob and Nick are working



As it is raining we will stay at home.




I played chess, he played the piano.




He came his son on his shoulders.



I saw him come



The war caused calamity.



Синтактик алоқа тўғрисида гапирилар экан, эга ва кесим ўртасидаги синтактик алоқа устида алоҳида тўхташга тўғри келади, чунки бу алоқа ҳақида тилшуносликда бир қанча бир-бирига қарама-қарши фикрлар мавжуд.

Қатор олимлар кесимни эгага тобе, деб биладилар. Масалан, А. Ғуломов ва М. Асқаровалар бу ҳақида бундай дейдилар: "Эга икки составли гапнинг бош бўлақларидан биридир; у гапнинг ҳоким составининг грамматик маркази бўлиб, шу составдаги сўзларга, шунингдек, тобе составларидаги бош бўлақка - кесимга ҳам ҳокимдир. Эга гапни ташкил этувчи марказлардан бири бўлиб, у абсолют ҳоким ҳолатидаги бўлақдир" (А. Ғуломов, М. Асқарова, 1961, 69).

Шундай фикрни А.И.Смирницкий (1957,133), О.С. Ахманова (1966,329), А.Н.Кононов (1960, 348) ва бошқа кўп тилшунослар асарларида учратиш мумкин. Бу фикр тарафдорлари ўз қарашларини кесимнинг эга билан мослашуви ҳодисаси билан асосламоқчи бўладилар.

И.П. Иванова, В.В. Бурлакова, Г.Г.Почепцовлар (1981, 91) ва бошқалар эга ва кесимни ўзаро бир - бирига тобе гап бўлақлари, деб қарайдилар. Аммо улар ўз фикрларини исботлашга ҳаракат қилмайдилар. Л.С.Бархударов ҳам эга ва кесимларни бир - бирига тобелиги ҳақида гапиради ва шунинг билан бирга у кесимнинг эгага мослашувини инкор қилиб, уни ўрнига "эга-кесим корреспонденцияси" атамасини ишлатди. (Л.С. Бархударов 1966, 170).

Яна бир гуруҳ олимларнинг фикрига кўра, эга ва кесим муносабатида кесим ҳокимдир. (Н. Махмудов, А. Нурмонов, 1995, 66-67)

Биз эга билан кесим ўртасидаги алоқа масаласида иккинчи гуруҳ олимлари фикрларига қўшиламыз, яъни эга ва кесимни бир-бирларига тобе бўлган гапнинг бош бўлақлари деб ҳисоблаймыз.

Кесимнинг эгага тобелигини, юқорида айтиб ўтганимиздек кесимнинг эга билан мослашувида кўриш мумкин. Ҳар қандай мослашув тобелик аломатидир. Эганинг кесимга тобелиги шундаки, эганинг ва тўлдирувчиларнинг гапда пайдо бўлиши кесим вазифасида келган феълнинг

валентлигига боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, кесим (предикат) вазифасидаги феъл ўзининг валентлиги билан эга ва тўлдирувчиларга (аргументларга) жой очади. Буни айниқса рус тили мисолида яққол кўрсатиш мумкин. Масалан, рус тилидаги "вечереть" феъл и ҳеч қандай эгани ёки тўлдирувчини талаб қилмайди, шунинг учун у ишлатилган гапда на эга, на тўлдирувчи булади:

Вечерет.

Бундай феълларни тилшуносликда авалент феъллар, деб аталади. Бир валентлик феъллар фақат эгага жой очади:

He is running.

Bob is sleeping.

Икки валентли феъллар эгага ва тўлдирувчига жой очади. Уч валентли феъллар эгага ва иккита тўлдирувчига (воситали ва воситасиз тўлдирувчиларга) жой очади.

1. Dad drank tea.

1 2

2. Dad bought me a hat.

1 3 2

Гапдаги бош бўлақлар ва иккинчи даражали бўлақлар ўртасидаги синтактик алоқа ҳақида ҳам турли фикрлар бор. Анъанавий тилшуносликка кўра, иккинчи даражали бўлақлар ё кесимга, ё эгага тобедир. Аммо кейинги йилларда уларни айримлари бутун гапга тобе эканлиги ҳақида фикрлар ҳам пайдо бўлди. Бунга Н.Ю. Шведованинг детерминантлар назариясини мисол қилиб келтириш мумкин. Н.Ю. Шведова фикрига кўра, ўрин, пайт, сабаб, мақсад, шарт ва бошқа ҳоллар ва ҳатто айрим тўлдирувчилар бутун гапга тегишли бўлиши мумкин, яъни тобе бўлиши мумкин. Н. Ю. Шведова бундай иккинчи даражали бўлақларни "детерминантлар" деб атади. Унинг бу фикри "Русская грамматика" (Том 2. 1980) китобида ҳам акс этган. Агар биз пайт, ўрин, сабаб, шарт ва ҳақозо иккинчи даражали гап бўлақларига эга бўлган содда гапларни анъанавий назарияга асосланиб бевосита ташкил қилувчиларга бўлсак, улар қуйидаги кўринишда булади:

We live in Moscow.

It happened yesterday.

He died from poison.

Ҳар уччала ҳол - ўрин ҳоли, пайт ҳоли, сабаб ҳоли - кесимга тобе.

Агар биз бу гапларни детерминант назариясига асосланган ҳолда бевосита ташкил этувчиларга бўлсак, унда манзара бошқача бўлади:

We lived in Moscow.

It happened yesterday.

He died from poison.

Айрим ҳолатларда ҳолларнинг кесим билан алоқаси бўшашиб, бутун гап билан алоқага кириши ҳақидаги фикр ҳатто ўтган асрнинг эллигинчи йилларида А. И. Смирницкий томонидан ҳам таъкидланган эди. Мана унинг айтган сўзлари: "Эти обстоятельства занимают в предложении весьма самостоятельное место и могут относиться к целой группе членов предложения или ко всему предложению в целом. Выражаются они с помощью обстоятельственных наречий или существительных (особенно с предлогом). Наиболее типичными среди этих обстоятельств являются обстоятельства места и времени. Обстоятельства причины, цели, следствия, сопутствующие обстоятельства ...примыкают к обстоятельствам места и

Демак, биз ишимизда кўрмоқчи бўлган шарт - натижа муносабатини ифодаловчи воситаларнинг бир қисми (шарт ҳоли ва шарт эргаш гап) детерминантдир.

I came back because of the rain.



He cried with anger.



He did it out of curiosity.



I couldn't speak for laughing.




Our flight was delayed owing to bad weather




Being ill I couldn't come.




He left on grounds that he was ill.



Since no one asked for the book keep it.



He failed Maths, because he did not prepare for it.



Синтактик бирликларни бевосита ташкил этувчиларга ажратишда ҳар хил схемалардан фойдаланиш мумкин (бу ҳақида Н. А. Баскаков, А.Содиқов ва А. А. Абдуазизовларнинг "Умумий тилшунослик" китобида, М.Т. Ирисқуловнинг "Тилшуносликка кириш" асарида батафсил маълумот берилган). Лекин биз танлаган схеманинг афзаллиги шундаки, бу схемада нафақат синтактик алоқа турларини, балки ўша синтактик алоқаларнинг йўналишини ҳам кўрсатиш мумкин.

Синтактик тобелик алоқасини ўрганишда биз кўпинча мослашув, бошқарув ва битишув атамаларини ишлатамиз. Айрим олимлар фикрига кўра бу атамалар тобелик алоқасининг турларини акс эттиради. (А. Гуломов, М. Асқарова 1961, 22; Н. С. Валгина 1978, 55, В.Г. Гак 1986, 23). Бошқалар эса уларни тобелик алоқасининг формалари деб қарайдилар (Ю. А. Левицкий, 1983, 48). И. И. Мешчанинов (1945, 43, 74,76) эса уларни синтактик алоқанинг усуллари деб қарайди.

Маълум тилларда (флектив, агглютинатив тилларда) мослашув, бошқарув, битишув ҳодисаси мавжудлиги аниқ ва ҳамма томонидан тан олинган, шунинг учун улар тобелик алоқасининг формаларими, турларими ёки ифодалаш усулларими, бунинг унчалик аҳамияти йўқ.

Л.Д. Чеснокова (1980,30,39) ва бошқаларнинг фикрига кўра мослашувда боғланган икки сўз бир - бирига мослашиб юради: улардан бирининг ўзгариши билан бошқаси (тобе бўлак) ҳам ўзгаради:

He works.

I work.

I am reading.

He is reading.

We are reading.

This book

These books

That book

Those books

Бошқарувда бир сўз бошқа сўзнинг талаби билан ўз формасини ўзгартиради:

Tell him (he → him)

Call her (she → her)

Help them (they → them)

Don't disturb me (I → me)

Tell us (we → us)

Битишувда бириккан сўзлардан бирининг грамматик ўзгариши иккинчисига боғлиқ бўлмайди. Уларнинг ўзаро алоқаси сўз тартиби, интонация ва маъно орқали (лексик валентлиги орқали) ифодаланади:

mineral water

to come late

to die young

table tennis

stone wall

very interesting

to run fast

Мослашув, бошқарув ходисаси бор тилларда улар бир канча турларга бўлиниши мумкин. Масалан, рус тилида бошқарув кучли ва кучсиз бўлиши мумкин. Лекин уларнинг турлари бизнинг илмий ишимиз учун аҳамиятсиз, шу сабабдан биз уларни ишимизда ёритмасликни афзал кўрдик.

Тил элементлари ўртасидаги синтактик алоқалар хақидаги фикримизни тугатар эканмиз, шуни ҳам айтиб ўтишимиз керакки, бу алоқаларга когнетив тилшунослик нуқтаи назаридан қаралса, улар объектив дунёдаги предметлар, воқеалар ўртасидаги муносабатларни акс эттирмайди. Улар тилнинг формал -структурал хусусиятларини акс эттиради.

1.3. Синтактик муносабат назарияси

Агар синтактик алоқа сўзлар (мустақил сўзлар), сўз бирикмалари ва гаплар ўртасидаги тобелик - тенглик муносабатини акс эттирса, синтактик муносабат улар ўртасидаги семантик алоқани акс эттиради. Айримлар синтактик муносабат деганда, биз «синтактик алоқа» деб ҳисоблаган тил ҳодисасини тушунадилар (М.Т.Ирисқулов 1992,130, Н. А.Баскаков ва бошқалар 1979,83-84). В.Г. Гак асарларида «синтактик алоқа» атамаси боғланган элементлар ўртасидаги тобелик ва тенглик муносабатини ҳам, улар ўртасидаги семантик муносабатни ҳам англатади (В.Г.Гак. 1986,23). Бизнингча, боғланган элементлар ўртасидаги тобелик – тенглик муносабати ва улар ўртасидаги семантик муносабат мутлақо бошқа-бошқа нарса бўлганлиги учун уларнинг ҳар бирига алоҳида ном бериш яхшироқдир. Шу фикрдан келиб чиққан ҳолда биз ўзимизнинг илмий ишимизда «синтактик алоқа» ва «синтактик муносабат» атамаларини ишлатдик.

Синтактик муносабат мавҳум синтактик маъно бўлиб, у қуйидаги бирликларни бир-бирига боғланиши натижасида ҳосил бўлади.

1) Мустақил сўз билан мустақил сўз;

He is young.

I am Jamila.

hot water

to speak English

to go home

to die from illness

to cry from anger

to come late

Bob and Nick

to eat and drink

2) Мустақил сўз билан сўз бирикмаси;

a beautiful young lady
very strong wind
to drink cold water
Cigarettes may cause cancer.

3) Мустақил сўз билан гап;

the book which was bought yesterday
the boys who are playing football
the reason why he didn't come
the place we were yesterday
to know what is what

4) Сўз бирикмаси билан сўз бирикмаси;

His speech provoked anger.
That girl is my sister.
hot tea and fresh bread
to swim in the river and to lie in the sun

5) Сўз бирикмаси билан гап;

the young man who is coming here
the big fish we have caught
the black dog which we saw there
to tell quickly what is what
he came hands dirty
Being seriously ill he could not come to the party.

6) Гап билан гап:

I hate him because he cheated me.
If I have time I'll come.
When I came he was out.
The more you read the more you know.
I phoned you but nobody answered my call.

Don't go out, you may catch cold.

Берилган мисолларнинг ҳаммасида боғланган тил бирликлари ўртасида синтактик маъно бор, масалан, «hot water» мисолида «hot» сўзи билан «water» сўзи ўртасидаги аниқловчи - аниқланмиш синтактик маъно, яъни, атрибутив муносабат ифодаланган. "To die from illness" сўз бирикмасида эса шарт муносабати ифодаланган.

Биз келтирган бу синтактик муносабатлар рўйхати тўлиқликка даъво қила олмайди, шунинг учун биз уни очик рўйхат деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, бир грамматик форма бир вақтнинг ўзида бирқанча грамматик маънолар ифодалаши мумкин. Масалан, инглиз тилида феъл негизига қўшиладиган -(e)s қўшимчаси "ҳозирги замон", "реаллик", "учинчи шахс", "бирлик", "фаоллик" (активность), "бўлишлилик" маъноларини ифодалайди. Худди шунга ўхшаш ҳолатни синтактик бирликларда ҳам кўриш мумкин. Синтактик бирликда бир вақтнинг ўзида бирдан ортиқ синтактик муносабатлар ифодаланиши мумкин. Синтактик муносабатларнинг бундай бирга келишини биз **"синтактик муносабатлар синкретизми"** ёки **"синтактик синкретизм"** деб атаймиз. Бошқача қилиб айтганда, синтактик қурилма ичидаги бир хил компонентлар ўртасида бирдан ортиқ синтактик муносабатлар **синкретизмдир**. Масалан, "Эркин кеча келди" гапида "Эркин" ва "келди" гап бўлаклари ўртасида ҳам предикатив, ҳам агентив муносабатлар бор. Бу синкретизмдир. Аммо "келди" ва "кеча" гап бўлаклари ўртасида эса пайт муносабати ифодаланган бўлиб, бу синкретизм эмас, чунки бу синтактик муносабат бошқа гап бўлаклари ўртасидаги муносабатдир.

Синтактик муносабатларнинг бирга кела олиши (синкретизми) алоҳида ўрганилмаган, аммо айрим олимлар асарларида у ёки бу синтактик муносабатларнинг бирга кела олиши ҳақидаги фикрни учратиш мумкин. Масалан, М.Блох шарт ва пайт муносабатларининг бирга келиши мумкинлигини айтади (М. Блох 1983, 327). Синтактик муносабатларнинг бирга кела олиши ҳақидаги фикрни рус тили бўйича мутахассис

Л.Д.Чеснокова (1980, 11) асарида ҳам учратиш мумкин.

Фикримизни асослаш учун қуйидаги мисолларни таҳлил қиламиз.

1. His arrival was welcome.
2. The earthquake caused calamaty.
3. That is why I didn't come.
4. The train leaves in half an hour, so you had better hurry.
5. After the way he treated me, I never want to see him again.

Биринчи гапда "his" билан "arrival" ўртасидаги атрибутов ва агентив муносабатлар , "His arrival" билан "was welcome" ўртасида эса предикатив муносабат ифодаланган. Иккинчи гапда "the earthquake" билан "caused" ўртасида предикатив муносабат, "caused" билан "calamaty" ўртасида объектив муносабат, " the earthquake" билан "caused calamaty" ўртасида шарт - натижа муносабати ифодаланган.

Учинчи гапда "that" билан "is why I didn't came" ўртасида ҳам предикатив, ҳам шарт - натижа муносабатлари ифодаланган.

Тўртинчи мисолда биринчи гап билан иккинчи гап ўртасида шарт -натижа ва бириктирув муносабатлари ифодаланган .

Бешинчи гапда бош ва эргаш гап ўртасида пайт ва сабаб муносабатлари ифодаланган.

Тадқиқотлар синтактик муносабатлар синкретизми қўшма гапларда қуйидагича бўлишини кўрсатди:

1. Предикатив муносабат + шарт муносабати.
2. Объектив муносабат + шарт муносабати.
3. Атрибутов муносабат + шарт муносабати.
4. Пайт муносабати + шарт муносабати.
5. Ўрин муносабати + шарт муносабати.
6. Мақсад муносабати + сабаб муносабати.
7. Шарт муносабати + қиёсий муносабат + зидлов муносабати.
8. Шарт муносабати + зидлов муносабати.
9. Сабаб муносабати + пайт муносабати.

10. Сабаб муносабати + объектив муносабат.
11. Сабаб муносабати + бириктирув муносабати.
12. Бириктирув муносабати + пайт муносабати.
13. Тўсиқсизлик муносабати + зидлов муносабати.
14. Замонда кетма - кетлилик муносабати + бириктрув муносабати.
15. Бирвақтлилик муносабати + бириктирув муносабати.
16. Ўлчов (даража) муносабати + пропорционал муносабат.
17. Ўлчов (даража) муносабати + пропорционал муносабат + зидлов муносабати.
18. Бириктирув муносабати + санаш муносабати.
19. Бириктирув муносабати + қиёсий муносабат + зидлов муносабати.
20. Сабаб муносабати + предикатив муносабат¹.

Когнетив тилшунослик нуқтаи назаридан қараганда синтактик муносабатларнинг айримлари объектив дунёдаги предметлар, воқеалар, белгилар ўртасидаги муносабатни ифодалайди. Айримлари эса инсон тафаккурига хос бўлиб, ҳукм қисмлари бўлмиш тушунчалар ўртасидаги муносабатларни англатади. Маслан, синтактик муносабатларнинг биринчи турига мисол сифатида шарт, натижа муносабатларини, иккинчи турига предикатив, тема-рематик муносабатларини келтириш мумкин.

Синтактик муносабатларнинг сони ҳали аниқланмаган. Анъанавий тилшуносликда одатда тўртта синтактик муносабат тилга олинади. Улар предикатив, атрибутив, объектив, ҳолат (адвербиал) муносабатлари бўлиб, уларнинг айримлари бир қанча кўринишга эга.

Кейинги йилларда пайдо бўлган синтактик семантика ҳақидаги Ч. Филмор, Л. Теньер, И.П. Сусов, А.М. Мухин, Н.Ю. Арутюнова, В. Богданов ва бошқаларнинг илмий ишлари анъанавий тилшуносликдаги синтактик муносабатлар ҳақидаги фикрларни бойитди.

¹Синтактик синкретизм хакида тулик маълумот бизнинг "Ингилиз тилида мазмуний - синтактик муносабатлар ва уларнинг синкретизми" номли маколамизда берилган. (Ж.Эрметова 2004.- 86-90 бетлар)

Синтактик муносабатлар рўйхати ҳеч қайси адабтётда берилмаган. Биз қўлимиздаги мавжуд адабиётлардан фойдаланган ҳолда ва ўз кузатувларимизга асосланган ҳолда синтактик муносабатини қуйидаги руйхатини туздик.

- 1) предикатив муносабат (Bob has come)
- 2) агентив муносабат (Bob has come)
- 3) ҳолат муносабати (He is asleep)
- 4) эмоционал ҳолат муносабати (She is glad)
- 5) мавжудлик муносабати (Troya was. Troya existed)
- 6) объектив муносабат (to sell books)
- 7) агентив ва объектив муносабат (I washed)
- 8) бенификатив муносабат (I bought him a book)
- 9) инструментал муносабат (to cut with a knife)
- 10) услуб муносабати (to get something by blackmail)
- 11) фактитив муносабат (to dig a hole)
- 12) предметга нисбатан атрибутив муносабат (a good book)
- 13) ҳаракат ёки ҳолатга нисбатан атрибутив муносабат (to read well)
- 14) сабаб муносабати (to die of wounds)
- 15) шарт муносабати (I'll come if my father allows me)
- 16) натижа муносабати (It was so cold that I had to put on my coat)
- 17) мақсад муносабати (I came to help you)
- 18) пропорционал муносабат (The more you read the more you know)
- 19) тўлиқсиз муносабати (I'll go even if I am ill)
- 20) пайт муносабати (I came yesterday)
- 21) ўрин муносабати (I live in Tashkent)
- 22) қиёсий муносабат (He is as tall as you are)

- 23) миқдорий муносабат (ten books)
- 24) даража муносабати (very good)
- 25) ўлчов муносабати (two hectares of land)
- 26) эгалик муносабати (Nick's book)
- 27) муаллифлик муносабати (Shakespear's sonnets)
- 28) бутунликнинг қисми муносабати (a piece of bread)
- 29) бириктирув муносабати (Jack and Jane)
- 30) альтернатив муносабат (Jack or Jane)
- 31) зидлов муносабати
- (On the first hand the baby was crying, on the other hand the milk was burning)
- 32) изоҳлан муносабати (This was Karim, my neighbour)
- 33) вокатив муносабат (Tom, will you come?)
- 34) модал муносабат (The possibility of war)
- 35) замонда кетма-кетлилик муносабати (First think, then speak)
- 36) замонда бирвақтлилик муносабати (A film is on, I am watching it)
- 37) коммуникатив (биргалик) муносабати (to go together)

Юқоридаги келтирилган синтактик муносабатлар рўйхатидан кўринадики, шарт-натижа муносабати синтактик муносабатларнинг бир туридир. Бу синтактик муносабатнинг моҳияти ва аҳамият ҳақида Ў.Қ. Юсупов бундай дейди: “Условно-следственное отношение является одним из коммуникативно важных универсальных смысловых отношений. Будучи разновидностью общей категории казуальности, это отношение близко соприкасается с причинно-результативными отношениями.

Условно-следственное отношение состоит из двух частей (концов), первая из которых называется условием, вторая – следствием (в логике они называются “основанием” и “следствием” или же “антецедентом” и “консеквентом”). Если условие представлено явлением А, следствие-явлением Б, то содержание этого отношения такое, что осуществление А

приводит, может привести или привело бы к осуществлению Б.

Иными словами осуществление Б зависит от осуществления А. Графически это отношение можно представить так: $A \rightarrow B$, где А и Б событие или явление, \rightarrow условно следственное отношение.

Условно-следственное отношение обобщено отражает зависимую связь между явлениями объективной действительности или же между воображаемыми явлениями. ”

Биз ўзимизнинг илмий ишимизда Ў. Қ. Юсуповнинг шу фикрига таянамиз.

Шарт-натижа муносабати инглиз ва ўзбек тилларида турли хил синтактик воситалар ёрдамида ифодаландики, уларни ўрганиш ҳам назария, ҳам амалиёт учун жуда фойдалидир.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Тилшуносликда синтактик алоқа ва синтактик муносабат тушунчалари ўртасидаги фарқни билиш муҳим нарсадир.

Маълумки, гап тил бирликларининг ўзаро боғланиши натижасида ҳосил бўлади. Бу бирликлар ўртасида ҳам синтактик алоқа, ҳам синтактик муносабат бор. Синтактик алоқа маъно билан алоқадор бўлмай, у юқорида кўрсатилган бирликлар ўртасида тобелик ёки тенгликни кўрсатади. Тобелик бир томонлама ва икки томонлама бўлиши мумкин. Предикатив, ярим предикатив қурилмалар қисмлари ўртасидаги алоқа икки ёқлама тобеликка асосланган. Эганинг кесимга тобелиги шундаки, уни гапда мавжуд бўлиши учун кесим вазифасидаги феъл ўзининг валентлиги билан унга жой очади ва бу жойни эга вазифасидаги сўз тўлдиради. Кесимнинг эгага тобелиги эса, унинг эга билан мослашувида кўринади. Ҳар қандай мослашув тобелик аломатидир.

Айрим бирликлар ёнма ён келиши, аммо улар ўртасида ҳеч қандай синтактик алоқа бўлмаслиги мумкин. Бу ҳолат нутқнинг синтагматик тарзда

(линейный) бўлиши сабабли рўй беради. Айниқса, у синтактик қурилмани бевосита ташкил этувчиларга ажратишда аниқ кўринади.

Синтактик муносабатлар юқорида кўрсатилган бирликлар ўртасида ҳосил бўладиган синтактик маънолардир. Шарт-натижа муносабати ана шундай синтактик муносабатларнинг биридир.

Бир синтактик қурилмада бир воситанинг ўзида бирдан ортиқ синтактик муносабатлар ифодаланиши мумкин. Бу ҳодиса тилшуносликда “синтактик синкретизм” деб аталади. Бу ҳодиса ишимизнинг маълум қисмларида батавсил кўрилади.

Иккинчи боб.

Инглиз ва ўзбек тилларида шарт-натижа муносабатларини ифодалаш воситалари.

Тадқиқотимиз шуни кўрсатадики, инглиз ва ўзбек тилларида шарт-натижа муносабатларини ифодаловчи воситалар хилма-хилдир. Қуйида биз уларни тасвирлашга ҳаракат қиламиз.

2.1. Шарт-натижа муносабатини ифодаловчи содда гаплар.

Шарт-натижа муносабатини ифодаловчи содда гапларнинг таркибида сабаб холи бўлиб, у **but for + N/Pron, N/Pron+ permitting, without + N/Pron, with + N/Pron** моделлари асосида тузилади.

But for you I couldn't have done it. (Show)

Weather permitting we shall start tomorrow. (Kaushanskaya)

I won't go **without you**.

With you I can do everything.

Бу содда гапларда шарт-натижа муносабатлари ифодалангани учун, уларни бемалол шарт эргаш гапли қўшма гапга айлантириш (трансформация қилиш) мумкин.

1. But for you I couldn't have done it → If it hadn't been for you I couldn't have done it.
2. Weather permitting we shall start tomorrow → If weather permits we shall start tomorrow.

3. I won't go without you → I won't go unless you go with me.
4. With you I can do everything → If you are with me I can do everything.

Шарт-натижа ифодаловчи гаплар нутқда жуда кам учрайди. Келтирилган 4та моделлар ичида **but for + N/Pron** модели асосида тузилган шарт ҳоллари кўпроқ учрайди.

Ўзбек тилида шарт - натижа муносабатини ифодаловчи содда гаплар модели фақат иккита бўлиб улар қуйдагилар:

1. N/Pron + билан + N/Pron + Vf

Пул билан кўп нарсани ҳал қилса бўлади (Мирмуҳсин)

Сиз билан, ҳали тоғни талқин қиламиз.

2. .N/Pron + N/Pron + Vf

Қуролсиз уларни енгиб бўлмайди.

Билимсиз институтга киролмайсан.

Бу шарт – натижа ифодаловчи содда гапларни инглиз тилидек шарт эргаш гапли қўшма гапга айлантириш мумкин:

Қуролсиз уларни енгиб бўлмайди → Қурол бўлмаса уларни енгиб бўлмайди.

Билимсиз институтга кириб бўлмайди → Билим бўлмаса, институтга кириб бўлмайди

Ўзбек тилида бундай содда гаплар инглиз тилидаги каби кам ишлатилади. Чунки улар иккала тилда ҳам шарт – натижа ифодалаш учун яратилган махсус формалар эмас.

2.2. Шарт-натижа муносабатини ифодаловчи эргашган қўшма гаплар.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, инглиз ва ўзбек тилларида эргашган қўшма гапларнинг қуйидаги турлари шарт-натижа муносабатларини ифодалаш мумкин:

- 1) шарт эргаш қўшма гаплар
- 2) эга эргаш гапли қўшма гаплар
- 3) тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар
- 4) аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар
- 5) ўрин эргаш гапли қўшма гаплар
- 6) пайт эргаш гапли қўшма гаплар
- 7) пропорционал эргаш гапли қўшма гаплар
- 8) қиёс эргаш гапли қўшма гаплар

Бу эргашган гапли қўшма гаплар ичида икки тилда шарт-натижа муносабатини ифодалаш учун энг кўп мослашгани шарт эргаш қўшма гаплардир. Эргашган қўшма гапнинг бу тури ишимизнинг кириш қисмида айтганимиздек, И.П. Крылова, Ў.Қ. Юсупов (1971) томонидан батавсил ёритилган. Шунинг учун бу эргаш гап тўғрисида гапирганимида, биз асосан шу олимларнинг ишларига таянамиз.


Шарт эргаш гапли қўшма гапнинг энг ахамиятли белгилари, бизнингча қуйидагилар:

- 1) эргаш гапнинг бош гапга ёки унинг бирор бўлаги билан боғланиши
- 2) эргаш гапнинг бош гап билан боғланиш воситалари
- 3) эргаш гапни бош гапга нисбатан жойлашиши
- 4) шарт эргаш гапли қўшма гапларнинг моделлик бўйича турлари
- 5) шарт эргаш гапнинг айрим семантик турида бош ва эргаш гап ўртасидаги синтактик алоқанинг кучсиз эканлиги.


Инглиз ва ўзбек тилларида шарт эргаш гап бош гапга ёки бош

гаптадаги бирор бўлакка тегишли бўлиши мумкин. Биз бу икки ҳолатни гапни бевосита қисмларга ажратиш (анализ по непосредственным составляющим) методи билан иллюстрация қиламиз.


If it doesn't rain, we shall go to the cinema.




Ёмғир ёғмаса, биз кинога борамиз.



He asked you to come if you have time.



Вақтингиз бўлса келишингизни сўради.



Биринчи мисолларда шарт эргаш гап бутун бош гапта тегишли, иккинчи мисолларда эса бош гаптадаги тўлдирувчиларга (to come, келишингизга) тегишли.

Инглиз шарт эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гап бош гап ёки унинг бирор бўлаги билан қуйидаги воситалар билан боғланади.

1. Боғловчилар билан: if, unless, in case, on condition (that), providing (that), provided (that), supposing (that), suppose

If he is not here by the end of the week, I shall go after him. (Austen)

I don't wish you to be my wife, **unless** you are bound to me by love. (Trollope)

I want to see him, **incase** he has nothing to say to me. (Galsworthy)

I will do anything you wish, provided it lies in my power. (Dickens)

Suppose he does not come, what shall we do? (Ganshina, Vasilevskaya)

Provided that there is no opposition, we shall hold the meeting here.
(LDCE)

I will go, providing that you go too. (LDCE)

I'll come on condition (that) John is invited too. (LDCE)

Supposing it rains, what shall we do? (LDCE)

Шарт боғловчилари фақат эргаш гап билан бош гап ўртасидаги синтактик муносабатни ифодалаб қолмай, балки объектив борлиқдаги нарсалар, воқеалар ўртасидаги муносабатни акс эттиради, чунки шарт – натижа муносабати оламдаги воқеалар ўртасида бўладиган реал муносабатлардан биридир.

Инглиз шарт боғловчилари ичида “provided (that)”, “providing (that)”, “suppose”, “supposing that” ҳозирги пайтда энди пайдо бўлаётган боғловчилардир. (И.П. Крылова 1956, 108-131)

“If” боғловчиси инглиз тилидаги шарт боғловчилари ичида энг типик шарт боғловчиси деб саналади. Унинг маъноси бошқа шарт боғловчилари учун инвариант, яъни умумий ҳисобланади, чунки бошқа шарт боғловчилари шарт маъносига бирор бошқа маънолар қўшадилар.

“Unless” боғловчиси одатда “шарт+бўлишсизлик” ифодалайди. Шундай ҳолатда бу боғловчисини “if...not” билан алмаштириш мумкин. Масалан:

I shall not go swimming **unless** the water warm → I shall not go swimming **if** the weather is **not** warm.

He is ruined **unless** he can get a million to pay off his debts. → He is ruined **if** he can not a million to pay off his debts.

Гоҳо “unless” боғловчиси “шарт + бўлишсизлик + чегаралаш” маъноларини ифодалаши мумкин. Масалан:

They always go early unless one of them is out.

Бу шарт эргаш гапли қўшма гапда натижа фақат кишилардан бири бўлмаган ҳолатдагина рўй беради. “Unless” шундай маънода келганда уни

“if...not” билан алмаштириб бўлмайди.

“In case” боғловчиси “ шарт + тасоддиф” маъноларни ифодалайди. Бу боғловчи келгусида содир бўладиган воқеани ифодаловчи шарт эргаш гапли қўшма гапларда ишлатилади:

I shall leave the door ajar, in case you call me. (Voynich)

In case they are late, we can always sit in the bar. (LDCE)

Бундай гапларда шарт эргаш ифодалаган ҳаракат доим тасоддифий бўлади:

“In case” ва “unless” боғловчилари ҳардоим бирмаъноли боғловчилардир. “If” боғловчиси эса кўп маъноли бўлиб, шарт эргаш гаплардан ташқари тўлдирувчи эргаш гапларни ҳам боғлайди. Масалан:

If he come or not I don't know.

Please, ask him if he will come or not.

“Provided (that)” ва “Providing (that)” боғловчилари бир бирига синоним бўлиб, уларнинг бирини ўрнига иккинчисини ишлатиш мумкин.

Provided (that) there is no opposition we shall hold the meeting here →
Providing (that) there is no opposition we shall hold the meeting here

Бу икки боғловчи қулай шароитни ифодалайди. Шунинг билан бирга улар фақат ёзма нутқда, айниқса юридик матнларда ишлатилади.

“Suppose” ва “supposing (that)” боғловчилари модал боғловчилар каторига киради. Улар бир вақтда “шарт” ва “фараз” маъноларни ифодалайди. Шунингдек улар ифодалаган синтактик алоқа анча бўш бўлади, шунинг учун бу боғловчилар билан келган шарт эргаш гапли қўшма гаплар осонгина иккита содда гапга бўлиниб кетиши мумкин. Масалан:

Supposing I used the money to buy this building? What would it be worth?
(Hardy)

He could not make up his mind for whom to ask. Suppose her father were back, or her sister or brother were in! (Galsworthy)

“On condition (that)” боғловчиси бирор шахсинг бирор харакатни бажаришда шарт кўйганида ишлатилади:

I should agree to this year’s dividend, on condition that we drop this foreign business in future. (Galsworthy)

He took the bet on condition that she brought it straight back to him at the War Office. (Shaw)

“Unless”, “in case”, “suppose”, “supposing (that)”, “provided (that)” ва “providing (that)”, “on condition (that)” боғловчилари “if” боғловчисига қараганда тор маънога эга, шунинг учун бу боғловчилар ишлатилганда шарт – натижа синтактик муносабатдан ташқари бошқа синтактик муносабатлар ифодаланмайди, яъни синтактик синкретизм ҳодисаси рўй бермайди.

“If” боғловчиси бу боғловчилардан бош гапда “then” равиш кела олиши билан ҳам фарқланади. Бунда “then” бош гап билан эргаш гап ўртасидаги семантик алоқани кучайтиришга хизмат қилади. Масалан:

If these things were not common to all the Zulus then they would not have been Zulus. (Abrahams)

If they do that then the world will be open to them. (Abrahams)

“If” боғловчили препозитив шарт эргаш гапларда кўтариловчи интонация ҳам эргаш гапни бош гапга боғлашда хизмат қилади, лекин бунда интонационинг ёрдами иккинчи даражали ҳисобланади. Асосий синтактик алоқа “if” орқали амалга оширилади.

If you act that way ↪ I’ll punch your head. (London)

Инглиз тилида шарт эргаш гапнинг бош гапга боғланишининг иккинчи тури - бу бир вақтнинг ўзида инверсия ҳамда, бош ва эргаш гаплардаги феъл формаларининг муносабати билан. Феъл формалари

муносабати куйидагича бўлиши мумкин:

- 1) Past Perfect — Future – in – the– Past,
- 2) Past Perfect — could/might + Infinitive,
- 3) Subjunctive — Future – in – the– Past,
- 4) Subjunctive — could/might + Infinitive,
- 5) Had — Future – in – the– Past,
- 6) Had — could/might + Infinitive,
- 7) could + Infinitive Future – in – the– Past.

I should not have known had not stive written and told me. (Tolstoy)

Had he known of the creive he could have closed it with a rock at the beginning and the fish would have been his. (London)

Were they all here we should have quorum. (Fries)

Were he young, he could lift it.

Could she do this work herself she would not ask you. (Михельсон)

Had I time I might go there, too. (Михельсон)

Had I money I could stay here until Monday. (Михельсон)

Инглиз тилида эргаш гапнинг бош гапга боғланиш воситаларининг учинчиси – бу инверсия ва феълнинг “should + инфинитив” формаси, яъни инверсия ва гумон майлининг (предположительное наклонение) аналитик формаси.

Should the anode grow too hot, you must deerease the power of the transmitter. (Михельсон)

Should you get this book, give it to me. (Михельсон)

И.П. Крылова (1956) бундай шарт эргаш гапли кўшма гапларда эргаш гап бош гап билан фақат инверсия ёрдамида боғланадини таъкидлайди. Бу фикрнинг хақиқатдан йироқ эканлигини Ў.Қ. Юсупов қисмларида аниқлик майли ишлатилган шарт эргаш гапли кўшма гапларда инверсия йўли билан эргаш гапни бош гапга боғлаш мумкин эмаслиги билан асослайди.

Қиёсланг:

Were he here, he would help us (Тўғри)

Is he here, he will help us (Нотўғри)

Кўринадика, биринчи мисолда, иккинчи мисолдан фарқли ҳолда инверсиядан ташқари нореал маъно ифодаловчи феъл формалари қатнашяпти.

Кўлимизда йиғилган 786 шарт эргаш гапли кўшма гапларнинг 774 таси эргаш гап бош гап билан боғловчи ёрдамида, 6 тасида инверсия ва феъл формаларининг муносабати билан, 3 тасида инверсия ва гумон майлининг аналитик формаси ёрдамида боғланган. Демак, инглиз тилида боғловчили шарт эргаш гапли кўшма гаплар мутлақо кўпчиликни ташкил қилади. Ўзбек тилида шарт эргаш гапнинг бош гап билан боғланиши инглиз тилидан мутлақо фарқ қилади.

Авваламбор шуни айтиб ўтиш керакки, туркшуносликда шунингдек ўзбек тилшунослигида шарт эргаш гапнинг бош гапга боғланиш масаласида уч хил фикр бор. Биринчи фикрга кўра (А. Грунина 1961, 154) боғланиш бош ва эргаш гаплардаги кесимлик муносабати билан ифодаланади (Вақтим **бўлса**, **театра бораман**), иккинчи фикрга кўра (А. Н. Кононов (1961, 412) М. Асқарова (1960, 215)) боғланиш “ – са”, “-ганда” феъл формаси билан ифодаланади, учинчи фикрга кўра (Ғ. Абдурахмонов 1958, 107) боғланиш интонация ёрдамида амалга оширилади. Биз ўзимизнинг илмий ишимизда биринчи фикрга (А. Грунина фикрига) таянамиз ва муносабатга кирилмаётган феъл формалари, бизнингча қуйдагилар:

1. шарт майли формаси (-са) — ҳозирга келаси замон феъли

Вақтим **бўлса**, **келаман**.

Таклиф **қилсанг**, **бораман**.

2. шарт майли формаси (-гина) — тугалланмаган ўтган замон феъли

Вақтим **бўлса**, **келар эдим**.

Вақтим **бўлганда**, **келар эдим**.

Таклиф қилсанг, борар эдим.

Таклиф қилганда, борар эди.

3. шарт майли формаси— ҳозирга давом феъли

Вақтим бўлса, унга ёрдам бераяпман.

Вақти бўлса, кутубхонга қатнаяпти.

4. шарт майли формаси— - моқчи (эди) феъл формаси

Вақтим бўлса, Самарқандга бормоқчиман.

Вақтим бўлса, Самарқандга бормоқчи эдим.

5. шарт майли формаси— керак/мумкин/шарт/лозим

Вақтим бўлса, унга ёрдам беришим мумкин.

Вақтим бўлса, унга ёрдам беришинг керак/мумкин/шарт/лозим.

6. шарт майли формаси — - ар эмиш/экан.

Вақти бўлса, келар эмиш экан.

7. шарт майли формаси — - ар

Вақти бўлса, келар.

8. шарт майли формаси + эди /- ганда — тугалланган ўтган замон феъли

Вақтим бўлса эди, мен ҳам борар эдим.

Вақтим бўлганда, мен ҳам борар эдим

9. шарт майли — - ганда бўлар эдим

Вақтим бўлса — мен ҳам борган бўлар эдим.

10. шарт майли — - япган бўлар эди

Касал бўлмасам, ҳозир футбол ўйнаётган бўлар эдим.

11. – ар экан — ҳозирги келаси замон феъли

Яна шундай қилар экансан, жазолайман.

12. Ўтган замон ноаниқ феъли — ҳозирги келаси замон

Келдинг- ўласан.

Бу боғлаш воситаларида кенг тарқалгани шарт феълининг ҳозирги – келаси замон феъл формаси ва тугалланган ўтган замон феъл формасининг

бирга келишишидир. Шунинг учун айтиб ўтган ўтиш керакки, ўзбек тилида ҳам шарт боғловчиси деб аталиши форс тилидан кирган “агар” сўзи бор.

Аmmo бу хақиқий боғловчи бўлмай, у шарт – натижа маъносини кучайтирувчи юкламадир. Шунинг учун уни гапдан тушуриб юбориш мумкин. Қиёсланг:

Агар келмасам, нима қиласан? → Келмасам, нима қиласан?

Кучли истак ифодаловчи шарт эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гап билан бош гап ўртасидаги синтактик алоқа шунчалик кучсизки, бунинг натижасида бош ва эргаш гаплар мустақил содда гапларга айланиши мумкин.

If only he were here, he would help us → If only he were here! He would help us.

Бундай ҳолатни ўзбек тилида ҳам кузатиш мумкин.

Қани энди, у шу ерда бўлса, у бизга ёрдам берар эди → Қани энди у шу ерда бўлса! У бизга ёрдам берар эди.

Шарт эргаш гапли қўшма гаплар статистикасини ўрганиб чиқиб, инглиз тилида шарт эргаш гапни бош гапга боғлашда энг асосий восита боғловчилар эканлигини аниқладик. Энг фаол боғловчи **if** боғловчиси дир.

Шарт эргаш гапли қўшма гапнинг компонентларини жойлашиш тартибига келсак, шарт эргаш гап бош гапдан олдин, ўртасида ёки охирида келиши мумкин.

- 1) If it lasts I shall die young (Shaw).
- 2) In certain cases the relative pronoun, if it is not the subject of its clause, can be deleted (Francis).
- 3) I could vamp a bass if I knew the time (Shaw).

Ўзбек тилида шарт эргаш гапнинг бош гапга нисбатан жойлашиши инглиз тилидагига қараганда анча қаттиқ. Ўзбек тилида шарт эргаш гап

учун меъёрий позиция унинг бош гап олдин ёки ўртасида жойлашувидир.

Менг қичқирмасам тонг отмайди. (Қахҳор)

У, тоға кўнса, Найманга кетади. (Саид Аҳмад)

Ўзбек тилида шарт эргаш гапнинг бош гапдан кейин жойлашиши жуда кам учрайдиган ҳол, бундай жойлашиш қасам ёки буйруқ ифодаловчи шарт гапли қўшма гапларда учрайди.

Юз тилим бўлсин, бегонани ёдайласа. (Кўшиқдан)

Ур, қасдинг бўлса!

Ўзбек тилида биз йиққан 962 шарт эргаш гапнинг 944 тасида (98,4%) эргаш гапни бош гапдан олдин, 16 таси (1,7 %) бош гап ичида, 2 тасида (0,2 %) бош гапдан кейин жойлашган.

Инглиз тилида 786 мисолимизда эга эргаш гап. 459 тасида (58,4 %) бош гапдан олдин, 295 тасида (37,6 %) бош гапдан кейин, 32 тасида(4%) бош гап ўртасида келган.

Эргаш гапнинг бош гапга нисбатан жойлашиши (пропозитив, интерпозитив, постпозитив бўлиши) эргаш гапнинг коммуникатив юкига, яъни тема ёки рема бўлиб келишича, бош гапга қандай восита билан боғланишига боғлиқ.

Қизиғи шундаки ҳар иккала тилда шарт эргаш гап мутлақо кўпчилик ҳолатларда бош гап олдида келар экан. Бунинг сабабини Ў.Қ. Юсупов дунёда рўй берадиган воқеа ва ҳодисаларнинг мантиқий таркибида деб билади. Натижа бўлиши учун аввал шарт – шароит ёки сабаб бўлиши керак, яъни аввал - шарт, кейин натижа (Ў.Қ. Юсупов 1971, 17)

Ҳар иккала тилдаги шарт эргаш гапли қўшма гаплар модал маъноларга жуда бой бўлиб, уни ҳисобга олмаслик илмий ишни қийматини пасайтиради. Шу сабабдан биз шарт эргаш гапли қўшма гапларни модал жиҳатдан классификация қилишга жазм қилдик.

Гапда ифодаланган шарт ва натижа муносабатларнинг харакатига кўра , яъни А содир бўлганда, Б нинг содир бўлишига кўра шарт эргаш

гапли кўшма гаплар иккига бўлинади. Биринчи турдаги шарт эргаш гапли кўшма гаплар А содир бўлганда Б албатта содир бўлади:

If I ran now, he will kill me. (Abrahams)

I should have gone mad, if she had touched me. (Voynich)

Олим бўлсанг, олам сеники. (Мақол)

Илгарироқ келган бўлсак, касал бунчалик азоб чекмасди. (Войнич)

Иккинчи турдаги шарт эргаш гапли кўшма гаплар А содир бўлганда Б албатта содир бўлмай, содир бўлиши ҳам мумкин:

He may win, if he does I may take you abroad for a good holiday. (Hardy)

He might throw the mug away afterwards if I take the coffee. (Abrahams)

Ўз ўрнингизга одам топиб, таёрлай олсангиз, илгарироқ чақириб олишимиз ҳам мумкин. (Қаҳҳор)

Таклиф қилсак, келиши мумкин. (Мирмуҳсин)

Шарт эргаш гапли кўшма гапларнинг бу турларининг тилда мавжудлиги тасоддиф ҳодиса эмас, улар объектив оламда зарурий ва тасоддий харакатларни акс этириш учун яратилган.¹

Иккала тилда ҳам шарт эргаш гапларнинг ўртасида формал фарқлар ҳам бор. Шарт эргаш гапларнинг иккинчи турида бош гап таркибида қуйдаги модаллик ифодаловчи сўзларнинг мавжудлиги.

Инглиз тилида:

perhaps

may be

probably

be likely + инф.

would better + инф.

would rather + инф.

can

¹ Необходимость – то, что не может в данных условиях не произойти, что обязательно должно произойти. Случайность – то, что в данных условиях может быть, но и может не быть, что может произойти и иначе. Большая советская энциклопедия, том 29, стр 421

could

ought

should

may

might

Perhaps everything will be all right if he returns. (Abrahams)

If he said so, he was probably joking. (Abrahams)

If you feel tired you'd better stop and have a rest. (Hornby)

May be you can, if you stay here. (Drieser)

If you have not the money you can pay some other time. (Abrahams)

If I have time I may come.

Ўзбек тилида:

балки

эхтимол

шекилли

“- ар”, “- мас” формалари

- гандир формаси

- са керак

- иши мумкин

- армиди

Вақтим бўлса, балким келарман.

Вақти бўлса, келса, эхтимол.

Вақти бўлса, келади, шекилли.

Вақтим бўлса, ёрдам берарман.

Шу ерда бўлса, ўғлини кўргандир.

Таклиф қилсак, келса, керак.

Вақтим бўлса, келишим мумкин.

Кўнғироқ қилсак, келармиди.

Шарт эргаш гапли қўшма гапларни эргаш гап ифодалаган модаллика кўра ҳам классификация қилиш мумкин. Бунга кўра шарт эргаш гапли қўшма гаплар тўртта турга бўлинади:

1. Реаллик ифодаловчи шарт эргаш гапли қўшма гаплар.

If a mouse ran past him with in the night, he would start up drenched with coldsweat and quivering with horror. (Voynich)

Кечаси ёнидан сичқон югуриб ўтса, ўрнидан ирғиб туриб кетар, бутун вужудини дахшат, титроқ босар эди. (Войнич)

2. Мумкинлик (возможность) ифодаловчи шарт эргаш гапли қўшма гаплар:

If they send me, I'll come. (A. Mukhtor)

Мени юборишса, мен бораман. (А. Мухтор)

Бундай шарт эргаш гапларда мумкинлик ифодаланади, яъни улар мени жўнатишлари ҳам, жўнатишмасликлари ҳам мумкин. Эҳтимоллик 50%.

3. Эҳтимоллиги (маловероятность) кам бўлган модал маънони) ифодаловчи шарт эргаш гапли қўшма гаплар:

Should I come late, keep a seat for me. (Michelson)

Мабодо (ёки борди-ю) кечикиб қолсам, менга жой олиб қўйинг.

Бундай шарт эргаш гапларда сўзловчининг иш – харакатининг бажарилишигача деярли кўзи етмайди. Эҳтимоллик 25%.

4. Нореалликни ифодаловчи шарт эргаш гапли қўшма гаплар:

I shouldn't have minded if he had beaten me unconcious. (Greene)

Мени чалажон қилиб калтакласа, қаршилик кўрсатмаган бўлардим.
(Грин)

Бундай шарт эргаш гапларда сўзловчининг иш – харакатлар бажарилмаган, улар фақат фараз қилинади. Эҳтимоллик 0%.

Шарт эргаш гапнинг бу турлари ўзларининг ўзларининг алохида

формаларига эга. Масалан, инглиз тилидаги биринчи турдаги шарт эргаш гапли кўшма гаплар қуйдаги моделлар асосида тузилади:

1. If + N/Pron + Past Ind, N/Pron + Past Ind.

If any crockery was broken about the house, it was a certainty that it was the handiwork of Bashorat. (A. Mukhtor)

2. If + N/Pron + Past Ind, N/Pron + would + inf.

If he had time, he would come to my house. (Michelson)

3. If+ N/Pron + Present Ind, N/Pron + Present Ind.

If water is heated, it boils.

Шарт эргаш гапли кўшма гаплар биринчи ва иккинчи модаллар асосида ясалганда, улар шарт – натижа муносабатидан ташқари замон муносабатини ҳам ифодалайди, бунда синтактик синкретизм рўй беради.

Маълумки, ўтган асрнинг охириги йилларида тилшуносликда иккита янги йўналиш, яъни “когнетив лингвистика” ва “лингватуриология” фанлари пайдо бўлди. Биринчи лингвистика билан когнитология (билиш назарияси), иккинчи лингвистика ва культурология фанлари ўртасида ҳосил бўлади. Когнетив лингвистиканинг вазифалари: 1) инсондаги билимларининг пайдо бўлишида, тилнинг ролини аниқлаш, 2) концептуал система билан тил системаси ўртасидаги муносабатни аниқлаш, 3) билимни концептуаллаштириш ва категориялаштириш жараёнларини тушунтириш, 4) оламнинг лисоний ва когнетив (концептуал) тасвири билан боғлиқ бўлган масалаларини ечиш. (Ў.Қ. Юсупов 2007, 22). Илмий ишимизда биз кўраётган шарт-натижа муносабатларининг ифодалаш воситаларини аниқлаш когнитив лингвистика учун ахамиятлидир. Шарт эргаш гапли кўшма гап компонентлари ифодалаган модаллик маънолари инсоннинг содир бўлаётган воқеалар ўртасидаги алоқани билиш даражаларини кўрсатади. Бунда шарт эргаш гап фрейм ролини ўйнайди.

Шарт эргаш гапли кўшма гаплар майл ва замон формалари учун жуда ҳам антиқа контекст ҳисобланади. Бу гапларда аниқлик майли формаларининг маънолари реалликдан то нореалликагача ўзгариши

мумкин. Масалан, куйдаги инглиз шарт эргаш гапли кўшма гапнинг эргаш гапида аниқлик майли ва формалари ҳисобланадиган Past Perfect, Past

Indefinite, Future-in-the-Past формалари ўзларининг реаллик маъносини йўқотиб, нореаллик ифодалайди.

If you **had come** yesterday you **would have** seen him.

If you **came** tomorrow you **would see** him.

Ўзбек тилидаги шарт эргаш гапли кўшма гапнинг эргаш гапидаги шарт майли маъноси бош гапдаги феъл формаларининг ишлатилишига кўра 1) реаллик, 2) мумкинлик (возможность), ва 3) нореаллик ифодалаши мумкин.

1. Илгарилари **вақти бўлса**, бизникига келиб турар эди. (реал яъни, вақт бўлган)
2. **Вақтим бўлса**, келаман. (вақт бўлиши мумкин)
3. **Вақтим бўлса**, мен ҳам борар эдим. (нореал вақти йўқ, шунинг учун боролмайман)

Инглиз тилидаги шарт эргаш гапли кўшма гапларнинг яна бир хусусисияти шундаки, шарт эргаш гапда келаси замон формаси ўрнига ҳозирги замон формаси ишлатилади. Масалан:

If he **comes**, we shall go to the stadium.

If he **has** time, he will come.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, ҳар иккала тилда айрим кириш ёки киритма гаплар шарт эргаш гап формасида бўлиши мумкин:

Тўғриси айтсам, унга ёрдам бера олмадим.

Янглишмасам, сиз Саттор акаси.

If I'm not mistaken, you are Mr. Brown.

Бундай гапларда шарт-натижа муносибати ифодаланмайди. Кириш ёки киритма гап билан бошқа синтактик структуралар ўртасида синтактик алоқа бўлмай, улар ўртасида фақат семантик мантиқий алоқа бўлади.

Инглиз тилидаги шарт эргаш гапли кўшма гаплар ўзбек талабаларининг ўрганиши учун энг қийинт тил ҳодисасидир. Олий ўқув

юртига киришда инглиз тили бўйича тест синовларида энг кўп хатолар шарт эргаш гапли кўшма гапларда содир бўлади десам, муболаға бўлмаса керак. Мен буни ўзим ва ўртоғларимнинг тажрибасидан биламан.

Шарт эргаш гапли кўшма гаплар ҳақида гапирганда, шунихам айтиб ўтиш керакки кўшма гаплардаги айрим синтактик муносабатларни тартибга солишда М. Черемесина, М. Колосова (1988), М.В. Ляпонларнинг (РГ 1980, 562-597) фикрлари эътиборга сазовордир. Уларнинг фикрича, сабаб, шарт, тўсиқсизлик, натижа ва мақсад муносабатлари шартланганлик муносабатининг бешта турларидир.

Шартланганлик муносабатларида бир воқеа иккинчисини келтириб чиқаради, ёки иккинчи воқеа биринчисининг мавжудлигига кўра юзага чиқади. (М. Черемесина, М. Колосова 1987,68)

Н. Маҳмудов ва А. Нурмоновлар (1995, 205) шартланганлик муносабатларининг бешта турлари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни қуйдагича изоҳлайдилар.

Сабаб муносабатида биринчи воқеа – сабаб, иккинчи воқеа эса – натижа. Биринчи воқеа бевосита иккинчи воқеани келтириб чиқаради:

Масалан: Дехқонлар астойдил меҳнат қилдилар, шунинг учун озиқ – овқат мўл бўлди.

Шарт муносабатида иккинчи воқеанинг амалга ошиши учун биринчи воқеа шарт, ҳар икки воқеа учун фаразлийлик хос:

Масалан: Дехқонлар астойдил меҳнат қилсалар, озиқ – овқат мўл бўлади.

Тўсиқсизлик муносабатида биринчи воқеа иккинчи воқеанинг бажарилиши учун шарт бўлса-да, бу шарт тўсиқ бўлмайди:

Масалан: Дехқонлар астойдил меҳнат қилсалар ҳам, озиқ – овқат мўл

бўлмади.

Мақсад муносабатида иккинчи воқеа биринчи воқеанинг амалга оширишининг мақсадли натижа сифатида юзага келади:

Масалан: Озиқ – овқат мўл бўлсин деб, деҳқонлар шундай астойдил меҳнат қилдилар.

Натижа муносабатида иккинчи воқеа биринчи воқеанинг ўз – ўзидан воқе бўладиган натижаси сифатида юзага келади:

Масалан: Деҳқонлар шундай астойдил меҳнат қилдиларки, озиқ – овқат мўл бўлди.

Биз М. Черемисина, М. Колосова, М. Ляпонларнинг фикрларига кўшилган ҳолда қуйдаги фикрни ҳам кўшиб кўйишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Бизнингча, шартланганлик муносабатларини ифодаловчи эргаш гапли кўшиа гаплар қаторига пропорционал (ўлчов-даража) эргаш гапли кўшма гаплани ҳам киргизиш мумкин. Чунки бундай турдаги гапларда ҳам бир воқеа иккинчи воқеани келтириб чиқаради, яъни иккинчи воқеа биринчисининг мавжудлигига кўра юзага келади.

Масалан: Қанчалик кўп ўқисанг шунчалик кўп биласан.

The more she thought about it, the more suspicious and upset she became.

(E. Caldwell)

Рус тилидан мисоллар:

Чем больше чувствуешь связь с Родиной, тем реальнее и охотнее представляешь её себе как живой организм. (А. Блок)

Чем шире социальный опыт литератора, тем выше его точка зрения.

(Газетдан)

Бу гапларнинг ҳаммасида пропорционал муносабат ифодаланган. Пропорционал муносабатда биринчи воқеадаги миқдорий (даража) ўзгариш иккинчи воқеада ўша баробар миқдорий (даража) ўзгаришини келтириб

чиқаради. Агар биз Н. Махмудов, А. Нурмонов келтирган гапларни ўлчов-даража эргаш гапли кўшма гапга айлантурсак, қуйдаги гап келиб чиқади.

Дехқонлар қанчалик астойдил меҳнат қилсалар, озиқ-овқат шунчалик мўл бўлади.

Шу ерда яна бир нарсани айтиб ўтиш керакки, шартганлик муносабатлари ичида тўсиқсизлик муносабати бошқачароқ мақомга эга. Агар сабаб, шарт, мақсад, натижа, пропорционал муносабатларда иккинчи воқеа биринчи воқеанинг мавжудлигига кўра келиб чиқса, тўсиқсизлик муносабатида эса, иккинчи воқеанинг келиб чиқиши биринчи воқеага боғлиқ эмас. Буни “Ёмғир ёғса ҳам, футбол ўйнадик” тўсиқсиз эргаш гапли кўшма гапда кўриш мумкин. Бу гапда биринчи воқеа (ёмғирнинг ёғиши) иккинчи воқеани (футбол ўйини) келтириб чиқармай, аксинча унга ноқулай вазият (шароит) сифатида намоён бўлади. Яна қуйдаги бошқа бир мисолни олайлик:

The patient died although he was well looked after.

Беморга яхши қаралган бўлса ҳам, у вафот этди.

Бу тўсиқсиз эргаш гапли кўшма гапда биринчи воқеа (беморга яхши қаралганлик) иккинчи воқеани (беморнинг ўлими) келтириб чиқармайди. Аксинча, у ўлимнинг содир бўлмаслиги учун етарли бўлмаган ижобий вазиятдир (шароитдир).

If he was taken ill, he didn't go to school.

Бизнингча, ҳеч ким бу воқеаларни фаразий ёки тахминий дея олмайди. Бундай фактларни бошқа ҳар қандай тиллардан ҳам келтириш мумкин.

Ўзб. Унинг яхши одати бор эди: кўлига пул тушса, китоб олар эди.

Темир қиздирилса, кенгаяди.

Рус. Если он болел, в школу не ходил.

2.2.2. Эга эргаш гапли қўшма гаплар

Эга эргаш гапларнинг вазифаси икки хил:

1) бош гапнинг эгаси вазифасида келади:

What was important to her was matrimony. (London)

Ким шундай деган бўлса, ёлғон гапирибди. (С.Аҳмад)

2) бош гапдаги олмош орқали ифодаланган эганинг аниқ маъносини очиб беради.

It is strange **that he did not come at all**. (Ganshina)

Шуниси аниқки, у **ўша куни уйда бўлмаган**. (А.Мухтор)

Инглиз ва ўзбек тилларида шарт-натижа муносибатини ифодаловчи эга эргаш гаплии қўшма гаплар ва уларнинг қолиплари:

1. Who breaks, pays. (Proverb) **who + Vf, + Vf**

2. What`s done can`t be undone. (Proverb) **what + Vf, + Vf**

3. Whatever can blow men up can blow society up. (Shaw) **whatever + Vf, + Vf**

1. Ким келмаса, у менинг дўстим эмас **ким + Vca/ V ар экан /мас экан, + у + Vf**

2. Ким келмаса, ўша/ шу ўғри бўлади **ким + Vca/Vар экан/Vмас экан, + ўша /шу+Vf**

3. Ким бировга чуқур қазиса, унга ўзи йиқилади **ким + Vca/ Var экан/ Vмас экан, + ўзи + Vf**

3 Кимки ёлғонни кўп гапирса, у одамлар орасида обрўсиз бўлади. **кимки + Vca/Vар экан/Vмас экан, + (у) + Vf**

4 Кимки келмаса, ўша/шу ўғри бўлади **кимки + Vca,+ ўша/шу + Vf**

5. Кимда- ким Нуъмонхожи Қаландаровни...бадарға қилинсин деса, қўлини кўтарсин. **кимда-ким + V ca ,+ (у) +Vf**

6. Кимда савол бўлса, қолсин **кимда + Vca + Vf**

7. Кимнинг саволи бўлса, қолсин **кимнинг + Vca, + Vf**

8. Кимдаки ҳар куни...шуғилланиб турса, у соғлам ва бақувват бўлади. (М.Асқарова). **кимдаки + Vca, + (y) +Vf**

9. Ҳар ким ҳам астойдил ўқиса, кўп нарсани хотирасида сақлай олади. (М.Асқарова) **ҳар ким + Vca,+ Vf**

10. Ҳар кимки ўзига эҳтиёт бўлса, у бировни ўғри тутмас.(Мақол)
ҳар кимки + V ca ,+ (y) +Vf

11. Кеча нима қилинган бўлса, бугун ҳам шу (нарса) қилинади.
нима + Vca, + шу (нарса) + Vf

12. Кеча нима қилинган бўлса, бугун ҳам ўша (нарса) қилинади **нима + Vca, + ўша (нарса) + Vf**

13. Нимаики йўқолган бўлса, ҳаммаси топилади. **нимаики + Vca, + ҳаммаси + Vf**

14. Қайси киши эрталаб шундай зарядка қилса, у дардга чалинмайди
қайси киши + Vca, + N/Pron + + Vf

Эга эргаш гапли қўша гапларнинг фақат шу қолипларда ясалганларигина шарт- натижа муносибатини ифодалайди.

2.2.3. Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар

Тўлдирувчи эргаш гап бош гап таркибидаги феъл кесимни, олмош ёки бирор мавҳум отнинг маъносини конкретлаштириб тўлдирувчи вазифасида келади.

Ўзбек тилида тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар ва уларнинг қолиплари

1) “Ким”сўроқ сўзи + Vca эргаш гапда + “уни”олмоши эргаш гапда (ўзбек тилида). Гоҳо “уни”тушиб қолиши мумкин:

Ким келса, (уни) ичкарига олинг.

2) ”кимнинг” сўроқ сўзи + Vca эргаш гапда + “уларни” олмоши бош

гапда (ўзбек тилида)

Кимнинг қуроли бўлса, **(уни)** топширсин

3) “кимга” сўроқ сўзи + Vca эргаш гапда + “унга” бош гапда (ўзбек тилида)

Кимга китоб берилган бўлса, **унга** дафтар ҳам берилсин.

4) “кимда” сўроқ сўзи + Vca эргаш гапда + “уни” бош гапда (ўзбек тилида)

Кимда қурол бўлса **,(уни)** топширсин

5) “кимки” сўроқ сўзи + Vca эргаш гапда + “уларни/уни” бош гапда (ўзбек тилида)

Кимки бу фикрга қўшилмаса, **уларни** ўз фикрларини баён қилишга чақирамиз.

6) “кимда ким” сўроқ сўзи + Vca эргаш гапда + “шунга/ унга” бош гапда (ўзбек тилида)

Кимда - ким бунга билмаса, **унга/ ўшанга** хабар қилинлар

7) “нимани” сўроқ сўзи + Vca эргаш гапда + “шуни” бош гапда (ўзбек тилида)

Инглиз тилидаги тўлдиручи эргаш гапли қўшма гаплар шарт-натижа муносибатини ифодалай олмайди.

2.2.4. Ўрин эргаш гапли қўшма гаплар

Бу турдаги қўшма гапларда эргаш гап бош гапда ифодаланган воқеанинг содир бўлган жойини ифодалайди.

Инглиз тилида шарт-натижа ифодалай олувчи ўрин эргаш гапли қўшма гаплар жуда кам. Улар фақат иккита қолип асосида ясалади

Where there`s a will, there`s a way.(Proverb) where there +be.f ..., there +be.f ...

Where ignorance is bliss `tis folly to be wise,(Proverb) Where +N +be.f ..., it is

Ўзбек тилида шарт-натижа муносибати ифодалай олувчи ўрин эргаш гапли кўшма гаплар ва уларнинг қолиплари кўп:

Кўз қаерда бўлса, меҳр ҳам шу ерда бўлади. (Мақол)

Қаерда сув сероб бўлса, **у ерда** табиат кўркам бўлади.. (Р.Махмудов, А..Нурмонов)

Ҳасанхон **қаерда** бўлса, кий-чув ҳам **шунда** бўлур. (“Ўзбек халқ достонлари”)

Оқсоқол **қаерда** бўлса, **ўша жойда** иш бир тартибда борарди. (Ў.Ҳошимов)

Ҳозирча **қаерга** юборсалар, **ўша жойга** бораверинг. (Н.Раҳмат)

Қаерда пайдо бўлсалар, эл оёққа туриб кутиб олади. (А.Мухтор)

Қаердан келса, **шу ерда** яхши ном қолдиради.(Ғ.Абдурахмонов)

Қаерда ишламасин, орқасидан фақат яхши гап қолади.. (С.Аҳмад)

Қаерда бекорчилик **бор экан**, **у ерда** беманичилик авж оладию (М.Асқарова)

Қаердаки бу мутаносиблик бузилса, фожиа келиб чиқади. (С. Айний)

Қайси тамонда яхши ер бўлса, **шу ерни** зўрлик билан қўлга киритдилар. (С.Айний)

Шамол **қай томонга** эсса, майсалар ҳам **шу томонга** бошини эгади.

Опанг **қайси томонга** борса, сен ҳам **ўша томонга** бор. (М.Асқарова)

У қайси томондан келса, **ўша томонга** борма.

2.2.5. Аниқловчи эргаш гапли кўшма гаплар

Аниқловчи эргаш гап бош гап таркибидаги от ёки олмош орқали ифодаланган бирор гап бўлагининг белги хусусиятини аниқлаб, изоҳлаб келади .Изоҳланиб келаётган бўлак бош гапнинг эгаси, тўлдирувчиси ёки кесим вазифасидаги (предикатив вазифасидаги) от бўлиши мумкин. Улар тилшуносликда «антеседентлар» деб аталади

Инглиз тилида шарт-натижа муносибатини ифодаловчи аниқловчи эргаш гаплар he who +V.f. + V.f. қолипи асосида ясалади

He who makes constant complaint gets little compassion. (Proverb)

He who makes no mistakes, makes no thing. (Proverb)

He who pays the piper, calls the tune. (Proverb)

He who scrubs every pig he sees will not long be clean himself. (Proverb)

He who would catch fish must not mind getting wet. (Proverb)

He who would eat the nut must first crack the shell. (Proverb)

Ўзбек тилида нутқ намуналари ва уларнинг қолиплари

Халқ **қайси** йўлдан юрса, сен ҳам **шу** йўлдан юр. (Ойбек)

Ким олдига каттароқ суяк ташласа, **ўшанинг** орқасидан кетаверади. (О.Юсупов)

Кимнинг курили билим бўлса, **унинг** келажаги порлоқ. (Ж.Абдуллахонов)

У **қайси** ҳавлигига ки кўнса, **ҳамма** хужраларда ўша кеча палов пиширилар экан. (С.Айний)

2.2.6. Пайт эргаш гапли қўшма гаплар

Бундай турдаги қўшма гапларда бош ва эргаш гаплар ифодалаган воқеалар ўтасидаги таксис муносибати, яъни замон жиҳатдан тартиби, воқеалар ўртасидаги замон жиҳатдан субъектив масофа, воқеаларнинг замон жиҳатдан бир- бири билан чегараланиши ва ҳақозолар ифодаланади.

As long as I live, the personality of Dorian Gray will dominate me. (O.Wilde)

Whenever I come here it rains! (LDCE)

Қачон келса, ўшанда кетамиз.

Қарзингни тўлаганигда, нарсаларингни қайтариб берамиз.

2.2.7. Пропорционал (ўлчов- даража) эргаш

гапли кўшма гаплар

Бундай эргаш гапли кўшма гапларда пропорционал муносибат ифодаланади. Пропорционал муносибатда биринчи воқеадаги миқдорий (даража) ўзгариш

иккинчи воқеада ўша баробар миқдорий (даража) ўзгаришни келтириб чиқаради.

Демак, бундай кўшма гапларда ҳар дойим пропорционал ва шарт-натига муносибати ифодаланади.

The more you read, the more you learn.

Қанчалик кўп ўқисанг, шунчалик кўп ўрганасан.

Ўлчов даража эргаш гапли кўшма гаплар кўпчилик инглиз грамматикаси бўйича дарсликларда тилга олинмайди, ёки қиёс эргаш гапли кўшма гапларнинг бир тури сифатида қаралади (Қаранг: Kobrina N.A, Korneyeva E.A 1965,180). Биз бу масалада ўзбек ва рус тилшуносларининг фикрига қўшилиб, уларни эргаш гапли кўшма гапларнинг алохида тури деб қараймиз, чунки улар ўзларининг алохида маъно ва формаларига эга.

Инглиз тилида нутқ намуналари ва уларнинг қолиплари

The more he reflected on the idea, **the more** he liked it. (Galsworthy)

The more I see of him, **the less** I like him.. (LDCE)

The more, the better.

So fast as depression set in upon me, **so** surely did his little ears drop down, his head hang lower and his tail fall limp. (Thurston)

Ўзбек тилидан мисоллар

У кучаниб **қанча** каттиқ пуфласа, пилик **шунча** ловиллаб ёнар эди.
(Ойбек)

Тун **қанчалик** қоронғи бўлса, юлдизлар **шунчалик** ёруғ бўлади.
(М.Асқарова).

Қатор ораларининг кенглик ўлчами **қанчалик** аниқ бўлса,

культивация вақтида ғўза **шунча** кам нобуд бўлади. (Газетадан)

Ерга **нечоғлик** куч сарф қилинса, ҳосил **шунчалик** кўп бўлади
(М.Асқарова)

Инглиз тилида **so...as**, ўзбек тилида **нечоғлик** боғлаш воситалари қатнашган пропорционал эргаш гапли қўшма гаплар ёзма нутқда учрайди. Ўзбек тилида пропорционал муносибатни содда гап ҳам ифодалаши мумкин:

Ёшинг улғайган сари, тажрибанг ҳам орта боради.

Пуфлаган сари, у катталашаверади.

2.2.8. Қиёс эргаш гапли қўшма гаплар

Бундай эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гаплар бош гапдан англашилган ҳаракат, белги, ҳолатни бошқа бир ҳаракат, белги, ҳолатга қиёслаш орқали аниқланган ўхшашлик ёки фарқни ифодалайди.

As is the workman, **so** is the work. (Proverb)

Уста **қанақа** бўлса, шогирд ҳам **шунақа**. (Мақол)

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Ҳар иккала тил ҳам (ўзбек ва инглиз тиллари) шарт – натижа ифодаловчи синтактик воситаларга бой. Улар маълум содда гаплар, эга эргаш гапли қўшма гаплар, тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар, аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар, ўрин эргаш гапли қўшма гаплар, пайт эргаш гапли қўшма гаплар, пропорционал эргаш гапли қўшма гаплар, қиёс эргаш гапли қўшма гаплар, боғланган қўшма гаплар ва мураккаб синтактик бутунликлардир. Бу воситаларнинг йиғиндиси биргаликда шарт – натижа муносабати синтактик майдонини ҳосил қилади. Бу синтактик

майдон ядро (марказ) ва перифериядан ташкил топади. Ядрони ҳар иккала тилда шарт эргаш гапли қўшма гаплар ҳосил қилади, чунки улар шарт – натижа муносабатини тиниқ ифодалайди, нутқда энг кўп ишлатилади стилистик жиҳатдан нейтрал, уларни бошқалар ўрнида ҳам ишлатиш мумкин. Қолган синтактик воситалар периферияни ҳосил қилади. Уларда шарт-натижа муносабати иккинчи даражали маъно бўлиб, у бошқа бирламчи синтактик муносибатлар билан бирга келиб синтактик синкритизмни ташкил қилади.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги шарт-натижа муносабатларини ифодаловчи воситалар ўртасидаги асосий фарқлар уларнинг структурасида, ишлатилишида, қолипларининг сонида ва стилистик хусусиятларидадир. “Шарт – натижа муносабатлари синтактик майдони” атамасини биз биринчи бўлиб, инглиз ва ўзбек тилшунослигига киритдик.

Учинчи боб.

Шарт -натижа муносабати синтактик майдони.

Шарт натижа муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гаплар

Бу турдаги қўшма гаплар камида иккита гапдан ташкил топиб, улар ўртасидаги боғланиш тенгликка асосланган бўлади.

Боғланган қўшма гаплар ифодалаган синтактик муносибатлардан бири шарт- натижа муносибатидир. Инглиз тилида бундай боғланган қўшма гапларда **and** бириктирув боғловчиси қатнашади, ўзбек тилида эса қўшма гап боғловчисиз бўлади

Fill this sieve **and** you'll get a dime. (R. Bradbury)

Let me know when've finished and I'll come up and talk it over with you.
(S. Maugham)

Бери кел, бир нима бераман

Барвақт тур, хамма ишларингни бажаришга улгурасан.

Шарт натижа муносабатини ифодаловчи

мураккаб синтактик бутунлик

(Сложное синтактическое целое)

Мураккаб синтактик бутунликларнинг барча хусусиятлари хали тўла ўрганилмаган, аммо унинг кўпчилик белгилари тилшуносларга маълум, шунинг учун уларни мавжудлигини хамма тан олади.

Мураккаб синтактик бутунликнинг қисмлари мустақил гаплардан иборат бўлиб, улар ёзма нутқда нукта билан ажратилади. Мураккаб

синтактик бутунликнинг қисмлари ўртасидаги семантик муносабатлардан бири шарт – натижа муносабатидир.

Shut up, you fool! You'll ruin everything. (R. Bradbury)

Бундай мураккаб синтактик бутунликнинг бемалол шарт эргаш гапли қўшма гапга айлантириш мумкин.

Shut up, you fool! You'll ruin everything. (R. Bradbury) → You fool, if you don't shut up you'll ruin everything.

Бундай синтактик бутунликларнинг қисмлари одатда бир- бирлари билан мантиқий боғланади.

Тадқиқотлар шарт- натижа муносабатлари билан боғлиқ бўлган муносабатлар синкретизими қўшма гапларда қуйдагича бўлишини кўрсатди.

1. Предикатив муносабат + шарт – натижа муносабати
2. Объектив муносабат + шарт – натижа муносабати
3. Атрибутив муносабат + шарт – натижа муносабати
4. Пайт муносабати + шарт – натижа муносабати
5. Ўрин муносабати + шарт – натижа муносабати
6. Қиёсий муносабаи + зидлов муносабати + шарт – натижа муносабати
7. Зидлов муносабати + шарт – натижа муносабати
8. Пропорционал муносабат + шарт – натижа муносабати
9. Бириктирув муносабати + шарт – натижа муносабати

3.3. Шарт -натижа муносабати синтактик майдони.

Тилшунос маъно ифодаловчи тил бирликлари билан иш кўрар экан, у албатта "категория" тушунчаси билан иш кўради.

Категория атамаси аслида грекча сўз бўлиб (Kategoria) фикр, гап маъноларини англатган. Ҳозир эса «гуруҳ» (Oxford Consise Dictionary, 87) ёки дунёни билишдаги ва дунёни акс эттиришдаги мавҳум тушунча (Философский словарь 1987, 191) тушунилади. Тилшуносликда эса категория атамаси тил элементларини (бирликларини) бирор маъно асосида тузилган гуруҳчаси деб тушунилади. Агар тилдаги барча элементларни (бирликларни) бирор умумий маъно ёки тушунча асосида гуруҳларга бўлинса, **макрокатегория** ҳосил бўлади. Агар тилдаги маълум элементларнигина бирор умумий маъно асосида гуруҳларга бўлинса, **микроматггорнялар** ҳосил бўлди.

Ҳозирги пайтда тилшуносликда бирқанча яруслараро (сатҳлараро) ва бирярусли (бир сатҳли) майдонлар назариялари мавжуд. Яруслараро майдонларнинг асосийлари қуйидагилар:

- тушунча категория назарияси,
- грамматик-лексик майдон назарияси,
- функционал семантик категория (майдон) назарияси,
- типологик категория назарияси.

Тушунча категория назарияси машҳур рус тилшуноси И.И.Мешчанинов томонидан яратилган (И.И.Мешчанинов 1945¹; 1945²). Тушунча категорияси маълум тушунчани лексик, морфологик ёки синтактик яруслар бирликлари ёрдамида ифодалашдир. И.И.Мешчанинов фикрига кўра, субъект ва предикат тушунча категорияларидир. Аммо улар гапнинг синтактик қурилмасида

ифодаланиб, тилда эга ва кесим грамматик тушунчаларига айланади. Тушунча категориялари билан тил категориялари ўртасидаги муносабатни И.И.Мещанинов куйидагича таърифлайди: «Понятийные категории могут выступать в лексике, синтаксисе и морфологии, и, лишь выявляясь в формальной стороне синтаксиса, морфологии, они становятся грамматическими понятиями» (Мещанинов 1945₂, 195).

Тушунча категориялари ва грамматик категориялар ўртасидаги фарқни И.И. Мещанинов род ва жинс категориялари мисолида кўрсатишга ҳаракат қилиб, бундай дейди: "Деление на мужчин и женщин остаётся в русском языке различием понятийным. Эти понятийные категории в русском языке в лексике соответствующей семантике слов, но морфологического выявления в родовых показателях не имеют. Мужской и женский роды являются грамматическими понятиями (им уделяется различная грамматическая форма), но не теми, которыми передаются понятийные категории мужчины и женщины (ср. "стол" в мужском роде, ср. "женщина пришла и ночь пришла"). (Мещанинов 1945₂,195).

Даниялик машҳур тилшунос О. Есперсен тушунча категорияси деганда мавжуд тиллардаги тасодифий далилларга боғлиқ бўлмаган тилдан ташқари тушунчаларни кўзда тутди (Қаранг: Есперсен 1958, 57). Есперсен тушунча категориялари ва тал категориялари (грамматик категориялари) ўртасидаги фарқни немисча "das Weib"(аёл) сўзи мисолида яққол кўрсатади. Бу сўз аёл, хотин жинсини кўрсатсада, средний родга тааллуқлидир.

Тушунча категорияси тафаккур доирасига тааллуқли бўлганлиги ва унинг структураси мутлақо ўрганилмаганлиги учун, тилшунослар тушунча категорияси назарияси асосида янги назариялар яратдилар. Буларга юқорида кўрсатилган грамматик-лексик майдон, функционал - семантик категория ва типологик категория назарияларини киритиш мумкин.

Грамматик-лексик майдон назарияси рус тилшунослари Е.В. Гулыга,

Е.И. Шендельс томонидан ишлаб чиқилган. Грамматик-лексик майдон деганда бу олимлар куйидаги нарсани тушундилар: "совокупность разнообразных средств грамматического и лексического уровня призванных выражать и называть общие значения, связанные между собой не случайными отношениями, а отношениями, позволяющими установить определенные закономерности. (Гулыга, Шендельс 1969, 8)

Масалан: немис тилида кўплик майдонини ҳосил қилувчи воситалар куйидагилар:

1. Отнинг кўплик формаси.
2. От билан мослашувчи сифат ва сифатдош формаси.
3. Эга вазифасида келувчи от ёки олмош билан мослашувчи феъл формаси.
4. Сон.
5. Миқдор олмоши.
6. Кўплик сондаги кишилик олмоши.
7. Жамловчи отлар. (Гулыга, Шендельс 1969,19)

Е.В. Гулыга ва Е.И. Шендельсларнинг фикрига кўра, грамматик-лексик майдон куйидаги белгилар билан характерланади:

1. Бир-бирлари билан системик муносабатда бўлган турли хил яруслардаги воситалар йиғиндиси. Майдон ичига, кириб бу воситалар майдоннинг қисми бўлиб қоладилар.
2. Майдон қисмларига у ёки бу даражада тааллуқли бўлган умумий маъно.
3. Умумий маънони иккита қарама-қарши ёки поляр маъноларга бўлиниб кетиши ва уларнинг микромайдон ҳосил қилиши.
4. Майдоннинг бир хил эмаслиги, мураккаблиги ва уни горизонтал ва вертикал кесиклар сифатида фарз қилиш мумкинлиги.

Горизонтал ҳолатда семантик майдонлар бўлмиш микромайдонлар ётади. Масалан: «Замон грамматик майдони» уч қисмдан иборат:

ҳозирги замон майдони,

ўтган замон майдони,

келаси замон майдони.

Вертикал ҳолатда микромайдонларнинг қисмлари (бўлимлари) ётади. Улар ҳам макромайдоннинг, ҳам микромайдоннинг қисмларидир. Майдоннинг вертикал тузилиши қисмларнинг хусусияти, майдончалар сони ва уларнинг бир-бирларига нисбатан жойлашишига боғлиқ.

Кўпчилик грамматик-лексик майдонларда доминанта бўлади. Доминанта майдоннинг шундай қисмики, у ўша маънони ифодалаш учун махсус форма. У ўша маънони бошқа формаларга нисбатан аниқроқ ифодалайди ва изчил равишда ишлатилади. Доминанта морфологияга, синтаксисга ёки лексикага тегишли бўлиши мумкин. Ҳар бир микромайдонда доминанта бўлиши мумкин, ҳатто доминантасиз майдон ҳам бўлиши мумкин. Доминанта атрофида у билан энг яқин муносабатда бўлган элементлар (қисмлар) бўлиши мумкин. Улар биргаликда ядрони ташкил қилади. Ядродан узоқ бўлган элементлар (қисмлар) майдоннинг четига (периферия) жойлашади.

Майдон ҳосил килувчи воситалар бирга ишлатилиши мумкин, ёки бирга ишлатила олмаслиги мумкин. Бирга ишлатилганда уларнинг бири иккинчисининг маъносини кучайтириши, конкретлаштириши, кучсизлантириши, ўзлаштириб юбориши, янги маънога айлантириши мумкин. (Гулыга, Шендельс 1969, 7-10). Майдон қисмларини маъносини таҳлил қилишда компонент таҳлил методидан (компонентный анализ) фойдаланилади.

Функционал-семантик категория (майдон) назарияси рус тилшуноси А.В. Бондарко томонидан яратилган. А.В. Бондарко макрокатегорияни аввалги ишларида "функционал семантик категория" деб атади (Бондарко 1971), кейинги ишларида (Бондарко 1976) уни "функционал семантик майдон" деб ҳам атайди.

А.В. Бондарко функционал-семантик майдонни куйидагича таърифлайди: "Функционально-семантическое поле является комплексной категорией, представляющей систему разнородных языковых средств, способных взаимодействовать для выполнения определенных семантических функций (Бондарко 1971, 8)".

Функционал - семантик майдон мазмун ва ифода планларига эга ва бу икки планни А.В. Бондарко куйидагича таърифлайди. «К плану выражения относятся формально - структурная сторона всех тех разнородных языковых средств, которые являются элементами данного поля. К плану содержания относятся значения этих языковых средств - грамматические, лексические и лексикограмматические (в частности, словообразовательные) значения, охватываемые общим инвариантным семантическим признаком данного поля. (Бондарко 1976,206)

А.В. Бондарко фикрига кўра, функционал-семантик майдон тилга, тушунча категорияси эса тафаккурга тааллуқли.

Функционал-семантик майдонларнинг хусусиятлари куйидагилар:

1. Майдонга кирувчи тил воситаларида умумий инвариант семантик функциянинг борлиги;

2. Фақатгина бир хил грамматик ва лексик элементларнинг эмас, хатто ҳар хил грамматик ва лексик элементларнинг ҳамкорлиги.

3. Таркибида маълум вазифа бажарувчи куйидаги белгиларга эга бўлган тизимларнинг борлиги:

а) марказ, периферия,

б) бир майдон элементларини секин-аста бошқа майдонга ўтиши, уларнинг бир-бирларини кесиб ўтиши, умумий сегментлар.

Марказни перифериядан ва периферияни марказдан ажратиш учун А.В.Бондарко критерий ролини ўтовчи куйидаги бешта белгини тавсия қилади.

1. Гуруҳни характерловчи махсус белгиларнинг тўпланиши (марказда) - сийраклашиши (периферияда).

2. Алоқалар ва муносабатларнинг жамлашуви, ўша лингвистик элементнинг гуруҳ элементларини боғлаётган чизикларнинг кесиб ўтиш нуқтасида жойлашиши, энг кўп оппозицияларда қатнашиши (марказда) - алоқалар тўрини сийраклашиши, кучсизланиши, озми-кўпми изоляцияга тушиб қолиши (периферияда).

3. Функционал юкнинг максимал даражада юқори бўлиши (марказда) - бундай юкнинг камайиши (периферияда).

4. Ўша тил воситаларининг маълум семантик функцияни ифодалаши учун энг юқори даражада специализацияланиши (марказда) - паст даражада специализацияланиши, ўша семантик - функцияни амалга оширишда қўшимча роль ўйнаши (периферияда).

5. Ўша тил элементининг доимий ва юқори даражада такрорий ишлатилиши (марказда) - доимий бўлмайд, онда-сонда ишлатилиши (периферияда) (Бондарко 1976, 214-217).

А.В. Бондарко фикрича, агар майдон ичига кирувчи тил воситалари ичида морфологик категория бўлса, у майдоннинг марказини ҳосил қилади. Морфологик категориянинг маъноси шунчалик кучлики, у ўша майдоннинг ядросини аниқлаб беради. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бундай вазифани бажарувчи морфологик категориянинг ҳамма маънолари эмас, фақат категориал маъноси бажаради (Бондарко 1976, 209).

Тилда ядроси йўқ функционал-семантик майдонлар ҳам бўлиши мумкин. Функционал-семантик майдон ичидаги микромайдон функционал-семантик майдоннинг минимал элементи ҳисобланади. У ҳам ўзининг ифода ва мазмун планларига эга бўлиши мумкин.

Типологик категория назарияси республикамиз олими Ж.Б.Бўронов томонидан ишлаб чиқилган. Ж.Б.Бўронов фикрига кўра, типологик категория назарияси асосан тилларни қиёслаш учун яратилган, аммо у бир тилни ўрганишда ҳам ишлатилиши мумкин. Ж. Бўронов гоҳо бу атама ўрнида "типологик майдон" атамасини ҳам ишлатади.

Типологик категория **типологик маъно** ва **типологик формага** эга. **Типологик маъно** - бу морфологик, лексик ва синтактик бирликларнинг ўзаро муносабати натижасида ҳосил килинган умумий абстракт лингвистик маънодир. Типологик маъно турли ярусли бўлиб, уни ифода этишда тилнинг турли яруслари бевосита иштирок этади. У икки ёки бир неча тиллар системаси асосида тузилади. Типологик маъно грамматик ва лексик маъноларни ўз ичига олади ва қиёсланаётган тиллар учун умумий маъно ҳисобланади.

Типологик форма типологик маънони ифодаловчи турли ярус бирликларидир. Типологик форманинг инвариантлари турлича бўлиб, улар морфологик, лексик ва синтактик бирликлар билан ифодаланади. Типологик формани ҳосил қилувчи воситалар морфологик ярусда сегмент ва супрасегмент морфемаларидан, лексик ярусда сўз ясовчи аффикслардан ва мустақил лексик бирликлардан, синтактик ярусда эса сўз бирикмалари ва гаплардан ташкил топади (Бурунов 1973,127).

Типологик формалар бир-бирлари билан бирга келиши ҳам, келмаслиги ҳам мумкин. Типологик категория қуйидаги белгилар асосида аниқланади:

- 1) тиллараролик (яъни, типологик категория қиёсланаётган тилларда бор),
- 2) яруслараролик (яъни, типологик категорияни ҳосил қилувчи воситалар тилнинг ҳар хил ярусида жойлашган),
- 3) воситаларнинг разрядлараролиги (межъразрядность) (масалан, кўпликни от, сон, олмош, феъл, сифатлар ҳам ифодалай олиши),
- 4) яруслараро синонимия ва тиллараро эквивалентлик бўлиши мумкинлиги.

Типологик формалар марказий ва марказдан четда турувчи (периферийные) турларга бўлинади. Марказий типологик формаларга типологик маънони ифодалаш учун ихтисослашган формалар киради.

(Бўронов 1983, 119)

Марказдан четда турувчи типологик формалар типологик маънони ифодаловчи иккинчи даражали формалар бўлиб, улар марказий типологик формаларга синонимдир. (Бўронов 1983,119-120)

Грамматик-лексик майдон, функционал-семантик майдон, типологик категория назариялари бир-бирларига жуда ўхшаш бўлган бир-бирини тўлдирувчи назариялардир. Уларни бир объектни ҳар хил томондан олинган расмларга ўхшатиш мумкин.

Юқорида биз бир қанча ярусларо (сатҳларо)майдонларни кўрдик. Улар тилдаги унсурлар ўртасидаги глобал муносабатни ифодалайди. Энди бирярусли (бир сатҳли) майдонлар тўғрисида гапирмоқчимиз. Бир ярусли майдонлар тил унсурлари ўртасидаги локал муносабатларни акс эттиради. Тилшуносликда бундай майдонлар тўғрисида анча илгарилар ҳам фикрлар бўлган. Бундай майдонларга И. Трирнинг (1931) “тушунча майдони”, Т. Ипсеннинг (1924) “семантик майдон”, Н. И. Филичеванинг (1977) “синтактик майдон” назарияларини киритиш мумкин. И. Трирнинг ва Т. Ипсеннинг майдон назариялари тилнинг лексик сатҳи билан боғлиқ, шунинг учун уларни бизнинг илмий ишимизга алоқаси йўқ. Бизнинг илмий ишимиз учун Н.И. Филичеванинг синтактик майдон назарияси аҳамиятлидир. Шунинг учун биз тадқиқотимизда шу назарияга таянамиз.

Н.И. Филичевага (1977, 15) кўра, синтактик майдон “объектив борлиқдаги муносабатларни умумий акс эттирувчи маънолари бир-бирига яқин синтактик қолиплар тўпламидир”. Унинг фикрига кўра, синтактик майдонни аниқлаш учун маънолари бир хил ёки бир-бирига ўхшаш бўлган синтактик birlikларнинг маълум тўплами керак бўлади (Ўша китоб, 18 бет) . Демак, биз аниқлаган шарт - натижа ифодаловчи барча синтактик воситалар (қолиплар)йиғиндиси шарт - натижа муносабатлар синтактик майдонини ташқил қилади.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги шарт муносабатлари синтактик майдонинг қисмларини содда гаплар, эга эргаш гапли қўшма гаплар, тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар, аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар, шарт эргаш гапли қўшма гаплар, ўрин эргаш гапли қўшма гаплар, пайт эргаш гапли қўшма гаплар, пропорционал эргаш гапли қўшма гаплар, қиёс эргаш гапли қўшма гаплар, боғланган эргаш гапли қўшма гаплар, ва мураккаб синтактик бутунликлар ҳосил қилади.

Шарт- натижа муносабатлари синтактик майдонини ядро (марказ) ва префиреяга эга. Ҳар иккала тилда ҳам ядро шарт эргаш гапли қўшма гаплардир. Қолган синтактик воситалар префериюни ташкил қилади. Улар содда гаплар, эга эргаш гапли қўшма гап, тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар, аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар, ўрин эргаш гапли қўшма гаплар, пайт эргаш гапли қўшма гаплар, пропорционал эргаш гапли қўшма гаплар, қиёс эргаш гапли қўшма гаплар, боғланган эргаш гапли қўшма гаплар, ва мураккаб синтактик бутунликлар. Майдон ядросини аниқлашда синтактик бирликлар **қурилмасининг** қуйдаги белгилардан келиб чиқилди.

Ядрони ҳосил қилувчи синтактик бирлик шарт- натижа муносабатини тиниқ, яъни бошқа синтактик муносабатлардан холи бўлган ҳолда ифодалаши керак, нутқда энг кўп ишлатилиши керак, стилистик жиҳатдан нейтрал бўлиши керак, кўпинча бошқа синтактик бирликларни ўрнига ҳам ишлатилиши мумкин. Мана шундай талабга шарт эргаш гапли қўшма гап жавоб берар экан. Айнан мана шунинг учун биз уни майдоннинг ядроси деб ҳисоблаймиз. Қолган барча синтактик формалар шарт-натижа муносабатлари майдонинг перифериясини (четини) ташкил қилади.

Хулоса

Коммуникатив бирликлар ҳисобланадиган гаплар (высказывания) ва матнлар тил бирликларининг бирикиши ёрдамида ҳосил бўлади. Бу бирликлар бир-бирлари билан бирикканда, икки хил муносабат ҳосил бўлади: синтактик алоқа ва синтактик муносабат.

Синтактик алоқа боғланаётган бирликлар ўртасидаги тобелик ва тенглик муносабатини акс эттирувчи, маъно билан боғланмаган синтактик ҳодисадир. Тобелик бир томонлама ва икки томонлама бўлади. Бир томонлама тобеликда боғланаётган бирликларнинг бири иккинчисига тобе бўлади, икки томонлама тобеликда эса боғланаётган бирликларнинг иккаласи ҳам бир-бирларига тобе бўлади. Тенглик алоқасида боғланаётган бирликлар бир – бирларига тобе бўлмай, тенг муносабатда бўладилар. Синтактик алоқа турларини бинар қарама-қаршиликка қўйиш мумкин, унда тобе алоқа тенглик алоқасига қарши туради, тобеликни ичида эса бир томонлама тобелик ва икки томонлама тобелик бир-бирларига қарама-қарши туради.

Синтактик муносабат боғланаётган тил бирликлари ўртасида ҳосил бўлувчи маъно синтактик маънодир. Инглиз тилида қирққа яқин синтактик муносабатлар борлиги аниқланган. Тилда бир синтактик қурилмада бирдан ортиқ синтактик муносабатлар ифодаланиши мумкин. Бундай ҳодиса **синтактик синкретизм** деб аталади.

Шарт – натижа муносабати синтактик муносабатларнинг энг асосий турларидан биридир. У когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан объектив дунёдаги содир бўлаётган воқеалар ўртасидаги муносабатларнинг бир тури бўлиб, тилда акс этади ва инсон билимларининг бир бўлаги бўлиб қолади.

Тилга яруслараро майдоний ёндошув тил элементларининг ҳам глобал, ҳам локал алоқаларини очиб беради. Кейинги йилларда пайдо бўлган тилга майдоний ёндошув тилдаги мана шундай алоқаларни илмий ўрганишга асос бўлади.

Инглиз ва ўзбек тилларида шарт – натижа муносабатини ифодаловчи барча воситаларни аниқлаш бизга бу тилларда шарт – натижа муносабатлари майдони мавжуд деган фикрга олиб келади.

Шарт – натижа муносабатлари майдони тилдаги шарт – натижа муносабатларини ифодаловчи барча воситалар системасидир, яъни маълум содда гаплар, маълум эргаш гапли қўшма гаплар, тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар, аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар, ўрин эргаш гапли қўшма гаплар, шарт эргаш гапли қўшма гаплар, пайт эргаш гапли қўшма гаплар, пропорционал эргаш гапли қўшма гаплар, қиёс эргаш гапли қўшма гаплар, маълум боғланган қўшма гаплар ва маълум мураккаб синтактик бутунликлар йиғиндиси.

Шарт – натижа муносабатлари майдони ядро ва перифериясига эга. Ядрога шарт эргаш гапли қўшма гаплар киради, бошқа воситалар периферияга киради.

Шарт – натижа муносабати шарт эргаш гапли қўшма гапдан бошқа турдаги қўшма гаплар билан ифодаланганда, у билан боғлиқ бўлган синтактик синкретизмнинг қуйидаги турлари аниқланди.

1. Предикатив муносабат + шарт – натижа муносабат
2. Объектив муносабат + шарт – натижа муносабат
3. Атрибутив муносабат + шарт – натижа муносабат
4. Пайт муносабат + шарт – натижа муносабат
5. Ўрин муносабат + шарт – натижа муносабат
6. Қиёсий муносабат + шарт – натижа муносабат
7. Зидлов муносабат + шарт – натижа муносабат
8. Пропорционал муносабат + шарт – натижа муносабат
9. Бириктирув муносабат + шарт – натижа муносабат

Икки тилдаги шарт – натижа муносабатини ифодаловчи воситалар ўз маънолари, формалари (структуралари), ишлатилиши, стилистик хусусиятлари ва қолипларнинг сони билан фарқ қиладилар.

Шарт эргаш гапли қўшма гаплар ўзларининг антиқий хусусиятлари билан бошқа турдаги эргашган қўшма гаплардан фарқ қиладилар. Бундай гапларда майл формаларининг маъноси реалликдан то нореалликкача ўзгариши мумкин. Масалан, инглиз тилида бундай қўшма гапларнинг эргаш гапида келаси замон (Future Indefinite) ўргнига ҳозирги замон (Present Indefinite) формаси ишлатилади. Аниқлик майлининг Past Indefinite, Past Perfect, Future –in- the-Past формалари ўзларининг реаллик маъноларини йўқотиб, нореаллик маъноларини ифодалайди. Худди шундай ҳолатни ўзбек тилидаги аниқлик майлининг тугалланмаган ўтган замон формасида кўриш мумкин.

Шарт эргаш гапли қўшма гапларини модаллик маъноларига кўра классификация қилиш ҳам ўқув процесси, ҳам тил назарияси учун фойдалидир.

Шарт эргаш гапни кириш гаплардан ажратиш керак. (**Тўғриси**ни **айтсам**, мен келмайман)

Инглиз ва ўзбек тилларидаги шарт эргаш гапли қўшма гаплар ўртасида (майл, замон формаларини ишлатишда, эргаш гапнинг бош гап билан боғланишида, жойлашиш тартибида ва ҳакозоларда) улкан фарқлар борки, бу фарқлар ўзбек талабарининг инглизча нутқида жуда кўп тиллараро интерференцияларни келтириб чиқаради. Бу интерференцияларнинг айримлари шунчалик кучлики, уларни ҳатто юқори босқич талабалар нутқида ҳам учратиш мумкин.

Тадқиқотимиз натижасини инглиз тилининг амалий грамматикаси дарсларида ва “Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий типологияси”, “Инглиз тилининг назарий грамматикаси” курслари ўқитишда, инглиз амалий грамматикадан машқлар тўпламини тузишда фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Гармонично развитое поколение основа прогресса Узбекистана. Т.: Шарш, 1998
2. Абдурахманов Г., Сулайманов А., Холиёров Х., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Т., 1979
3. Абдурахмонов Х., Рафиев А., Шодмонкулова Д. Ўзбек тилининг амалий грамматикаси. Т.: Ўқитувчи, 1992.
4. Аракин В.Д. Сравнительная типология английского и русского языков. Л., 1979.
5. Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл. М.: Наука, 1976.
6. Ахмонова О.С. Словарь лингвистических терминов. М., 2000
7. Бархударов Л.С. Структура простого предложения в современном английском языке. М., 1966
8. Бархударов Л.С., Штелинг Д.А. Грамматика английского языка. М.: Высшая школа, 1965.
9. Баскаков Н.А., Содиков А.С., Абдуазизов А.А. Умумий тилшунослик. Т.: Ўқитувчи, 1979.
10. Беловопьская Л.А. Синтаксис словосочетания и простого предложения. Тоганрог, 2001.
11. Бўранов Дж.. Сравнительная типология английского и тюрских языков. М.: Высшая школа, 1983.
12. Бўронов Ж.Б. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. Т.: Ўқитувчи, 1973.
13. Бурлакова В.В. Синтаксические структуры современного английского языка. М.: Просвещение, 1984.
14. Гак В.Г. Сравнительная типология французского и русского языков. Л., 1977.
15. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Т., 1961.

- 16.Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка. М.: Высшая школа, 1982.
- 17.Качалова К.Н., Израйлович Е.Е. Практическая грамматика английского языка. Бишкек: Туркистан, 2007
- 18.Курбонова М.ва бошқ. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси. Т.2004
- 19.Махмудов Н., Нурманов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Т.: Ўқитувчи 1995.
- 20.Мирзаев М. и бошқ. Ўзбек тили. Т.1967
- 21.Миртожиев М. Ҳозирги замон ўзбек тили. Т.: Фан, 1992
- 22.Нематов Х., Сайфуллаева Р., Қурбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари. Т. 1999.
- 23.Новицкая Т.М., Кучин Н.Д. Практическая грамматика английского языка. М.: Высшая школа, 1983.
- 24.Нурмахонова А., Гасдиқни билдирувчи дарак гаплар.// Ўзбек тили ва адабиёти”, 1964, №2.
- 25.Расулов И. Односоставные предложения в современном узбекском литературном языке. АДД. Т., 1973.
- 26.Сатимов Г.Х. Типология безличных предложений. Т.: Фан, 1987.
- 27.Синтаксический строй узбекской разговорной речи. Т.: Фан, 1974.
- 28.Смирницкий А.И. Синтаксис английского языка. М. 1957.
- 29.Теньер Л. Основы структурного синтаксиса. М. :Прогресс. 1988.
- 30.Шоабдурахманов Ш., Асқарова М. Ўзбек тили грамматикаси. II қисм. Т. 1990
- 31.Шомахмудов А. ва бошқ. Ўзбек тили стилистикаси. Т.: Ўқитувчи, 1983.
- 32.Эрматова Ж. Мазмуний синтактик муносабатлар ва уларнинг синкретизми// Урганч Давлат Университетининг илмий ишлари. Урганч 2004.

33. Юсупов У.К. Сопоставительная лингвистика и обучение иностранному языку. Тезисы докладов научной конф. II часть. Андижан 2004.
34. Юсупов У.К. Вклад языковедов Узбекистана в развитие сравнительного языкознания. Т.: 2006
35. Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. Т.: Фан, 2007
36. Юсупов У.К.. Сравнительный анализ английских и узбекских сложноподчиненных предложений с придаточными условными. Канд. Дис. Т., 1961
37. Хошимов У., Бўронов Ж. Инглиз тили грамматикасининг норматив курси. Т.: Ўқитувчи, 1987.
38. Ҳозирги замон ўзбек тили. Т. УзССР ФА, 1957.
39. Ҳозирги ўзбек адабий тили. II қисм. Синтаксис. Т.: Фан, 1966.
40. Ўзбек тили грамматикаси. II қисм. Т., 1976
41. Ўрунбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. Т.: Фан, 1974.
42. Гаппаров Мухаммад. Инглиз тили грамматикаси. Т.: Турон – Иқбол, 2006.
43. Azar B.S. Understanding and Using English Grammar. Paramount Communications Co. Englewood, New-Jersey, 1989
44. Blokh M.Y. A Course in Theoretical English Grammar. M.: Vishaya Shkola, 1983.
45. Buranov J., Yusupov U., Iriskulov M., Sadiqov A. The Grammatical Structures of English, Uzbek and Russian. Part I. Т.: Ukituvchi, 1986.
46. Close R.A. A Reference Grammar for Students of English. M. 1979.
47. Gordon E.M., Krilova I.P. A Grammar of Present-day English. M.: Higher School Publishing House. M., 1974.
48. Ilysh B. The Structure of Modern English. L.: Prosvesheniye, 1971, 1974.

49. Iriskulov M.T. A Brief Course of Lectures on the Theoretical Grammar of English. T. 2000
50. Kabrina N.A., Korneyeva E.A. An Outline of Modern English Syntax. M. 1965.
51. Khaimovich B.S., Rogovskaya B.I. A Course in English Grammar. Высшая школа, М. 1963.
52. Lich G., Swartnik K.G. A Communicative Grammar of English. M. 1983.
53. Murphy R. English Grammar in Use. Cambridge University Press, 1985.
54. Scheurweghes G. Present-day English Syntax. London. Longmans, 1961
55. Quirk R. et al. A University Grammar. M.: Vishaya Shkola, 1983. – 392 p.
56. Close R.A. A Reference Grammar for Students of English. – M.: Prosvescheniye, 1979. – 342 p.
57. Dik Simon. The theory of functional Grammar. Parts 1–2. – Berlin, 1997. – 190 p.
58. Galperin I.R., Stylistics. – M.: Higher School Publishing House, 1971. – 343 p.
59. Gordon E.M., Krilova I.P. A Grammar of Present-Day English. – M.: Высшая школа, 1971. – 333 с.
60. Huddleston R., Pullum J. K. Grammar of the English Language. – N. – Y. Cambr. Unver. Press. 2002. – 380 p.
61. Hiraga M.K. Cultural, Psychological and Typological Issues in Cognitive Linguistics. – Amsterdam, Philadelphia: Benjamin, 1999. – 338 p.
62. Hill P. An Instant Approach to English Grammar, – Hong Kong, 2002. – 219 p.
63. Iriskulov M.T. A Brief Course of Lectures on the Theoretical Grammar of English. – Tashkent.: 2002. – 97 p.
64. Ilyish B. The Structure of Modern English. – L.: Prosvesheniye, 1971. – 366 p.

65. Irtenyeva et al. The Structure of the English Sentence. – M.; Higher School Publishing House, 1969. – 160 c.
66. Irtenyeva N.F. et al. Theoretical English Grammar (Syntax). – M.: Prosvescheniye, 1969. – 144 p.
67. Kobrina N.A, Korneyeva E.A. An Outline of Modern English Syntax. – M.: Высшая школа, 1965. – 209 p.
68. Lock G. Functional English Grammar. – G.B.: Cambridge Univ. Press, 1996. – 296 p.
69. Murcia M.C., Freeman D.L. The Grammar book. ANESL/EFL Teacher's Course. – Boston, Massachusetts.: USA. Second Edition. 1999. – 855 p.
70. Newings M. Advanced Grammar in Use. –Cambridge: Cambr. Univ. Press, 2002. – 252 p.
71. F. Grammar. – L.: Hazel Watson and Viney. Ltd. 1978. – 201c.
72. Quirk R. et al. A University Grammar of English. – M.: Высшая школа, 1982. – 391 p.
73. Quirk R. et al. A Comprehensive Grammar of the English Language. London, 1985. – 308 p.
74. Reznik H. et al. A Grammar of the English Language. – M.: 1999. – 301 p.
75. Roberts P. English Syntax. – N.– Y., 1964. – 283 p.
76. Swan M., Walter C. English Grammar. – Cambridge: Cambr.Univ. Press, 1990. – 152 p.
77. Syntax and Semantics (Current Approach to Syntax) Edited by Moravcsik A., Jessica R.Wirth. Volume 13. – New York.: USA. Academic Press, 1980. – 408 p.
78. Van Valin., Robert D., La Polla Randy. Syntax, structure, meaning and function. – Cambridge, Cambridge University Press, 1997. – 210 p.

2. Лұғатлар ва уларнинг қисқартма номлари

1. АРС – Мюллер В.К. Англо-русский словарь. Изд. 22-е. – М.: Русский язык. 1989. – 848 с.
2. АРСС – Апресян Ю.Д. и др. Англо-русский синонимический словарь. – М.: Русский язык, 1979. – 543 с.
3. АРФС – Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – М.: Русский язык, 1984. – 942 с.
4. БАРС₁ – Большой англо-русский словарь. Том I. (Под общим руководством И.Р. Гальперина). – М.: СЭ, 1972. – 822 с.
5. БАРС₂ – Большой англо-русский словарь. Том II. (Под общим руководством И.Р. Гальперина). – М.: СЭ, 1972. – 863 с.
6. ЛЭС – Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: Энциклопедия. 1990. – 685 с.
7. СЛТ – Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: СЭ, 1969. – 608 с.
8. EVU – English Vocabulary in Use. Michael McCarthy., Felicity O’Dell. Cambridge University Press, – Cambridge, 1994. – 296 p.
9. EOD – Electronic Oxford Dictionary. 2005. (Electron Version)
10. LD – Longman Dictionary of Contemporary English. – London.: Longman, 1992, – 1223 p.
11. ODAE – Oxford Dictionary of American English. – Oxford.: Oxford University Press, 2005, – 828 p.
12. OALD – Hornby A.S., Wehmeier S. Oxford Advanced Learner’s Dictionary. – Oxford.: Oxford University Press, 2000, – 1540 p.
13. RPTTh – Roget’s Pocket Thesaurus. – New York.; 1977. – 484 p.